БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 102 (333)

24 МАЙ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Биз, саноат ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари, саноат корхоналарининг барча ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларини бешинчи бешйиллик топшириқларини ва 1955 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юборишга чақирамиз.

(Саноат ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг Мурожаатидан)

МУЗОКАРАЛАРМИ ЁКИ МУЗОКАРАЛАР ҲАҚИДА ГАП СОТИШМИ?

СССР, АҚШ, Англия ва Франциянинг Венада учрашган ташқи ишлар министрлари ана шу давлатлар ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг мақсадлари ҳамда методлари юзасидан бир битимга келганликлари тўғрисидаги хабар ҳаммаерда гоят ма'қулланиб кутиб олинди. Бу тушунарли ва табиий бир ҳол: бундай кенгашни ўтказиш идеяси халқ оммаси орасига кенг илдиз отди. Халқ оммаси бу кенгаш давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ёрдам беради деб ҳисоблаб, унга катта умид боғламоқда.

Буюк давлатларнинг кенгаши халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатишга ва халқаро муносабатларни яхшилашга чинакам ёрдам берадиган бўлса, Совет ҳукумаги бундай кенгашнинг чақирилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, кенгаш чақириш идеясига ижобий қараётганлиги ма'лум. Манфаатдор давлатлар бир битимга келишга интилиб, шу йўлда яхши ният блан ҳаракат қилганларида, Кореяда ва Ҳинди-Хитойда урушни тўхтатиш ва бу блан Узоқ Шарқда урушнинг хавфли икки ўчоғини йўқотиш мумкин бўлганлигини уқтириб ўтиш керак. Жуда муҳим бўлган Австрия масаласи ҳам худди шу йўл блан ҳал этилди. Шу блан бирга, Австрия Давлат Шартномасининг тузилиши Европада ҳали ҳал этилмаган бошқа проблемаларни ҳам ҳал этиш учун йўл борлигини кўрсатди.

Дун'ё халқлари АҚШ, Англия, Франция ва СССРнинг раҳбар давлат арбоблари бир жойга тўпланиб, ҳал этилмаган халқаро масалаларни қараб чиқсинлар ва бу масалаларни ҳал этиш учун керакли тадбирларни вўрсинлар, деб кўпдан буён талаб этиб келмоқдалар. Халқлар «совуқ муносабатлар урши»ни тўхтатиш учун ва жуда оғир юк бўлиб тушган зўр бериб қуролланишни тугатишга, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни кескин суратда камайтиришга, атом ва водород қуролини тақиқлашга, коллектив хавфсизликнинг самарали системасини вужудга келтиришга, халқлар ўртасида барча соҳаларда нормал иқтисодий алоқаларни тиклашга ва тинч ҳамкорликни кенгайтиришга имкон берадиган халқаро ишонч вазиятини тиклаш учун курашмоқдалар. Аҳолининг гоят кенг табақалари буюк давлатлар ҳукуматларининг раҳбарлари олиб борадиган музокаралар ана шу ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишга ёрдам бераолади ва ёрдам бериши керак ҳамда бу музокаралар халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатишга олиб келадиган амалий тадбирларни кўриш блан тугалланаолади ва тугалланиши керак, деб ишонадилар.

Халқларнинг тинчликка бўлган интилиши шуқадар кенг ва шуқадар қудратли бир тус олдики, бу интилишни менсимаслик мумкин эмас, бундай интилишга қарши курашиш эса хавфлидир. Кейинги пайтларгача буюк давлатлар бошлиқларининг кенгашини ўтказиш идеясини сра ёқтирмай ва ҳатто бу идеяга душманлик назари блан қараб келган АҚШ ҳукмрон доираларининг ўз позицияларини бирданига ўзгартириб, мазкур кенгашда қатнашишга рози бўлиб қолганликларига шу аҳвол сабаб бўлса керак. АҚШ раҳбарларининг бу қарори тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида гамхўрлик қилиш нияти блан эмас, балки халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш вазифалари блан, ҳеҳқандай алоқаси бўлмаган бошқа сабаблар блан илгари сурилмоқда деб ўйлашга мажбур этадиган ба'зи фактлар бўлмаганида, АҚШ раҳбарларининг позициясидаги бундай ўзгаришни табриклаш мумкин бўлар эди.

Бунда ғаш, жумладан, АҚШ давлат секретари Даллеснинг ва президент Эйзенхауэрнинг яқинда Вашингтонда телевизор орқали бергалиқда сўзлаган нутқлари тўғрисида боради. Америка матбуотининг ёзишича, уларнинг бу нутқлари «зўравонлик қилиш» сиёсатини мақташга бағишланган театр инсценировкасига ўхшайди. Бунда гап Эйзенхауэрнинг шундан кейин ўтказган матбуот конференцияси тўғрисида ҳам боради.

Бу нутқлар жаҳон жамоатчилигининг э'тиборини «Нью-Йорк таймс»нинг Вашингтон мухбири Крок айтганидек, Вашингтонда «етишган талантлар»нинг театр ўйини блан жалб қилаётгани йўқ, асло бундай эмас, бу нутқларда ҳозирги халқаро аҳволга сохталик блан сиёсий баҳо берилганлиги ва буюк давлатлар бошлиқлари томонидан олиб бориладиган музокараларнинг мазмуни тўғрисида ана шу музокаралара очиқдан-очиқ халқият беришга қаратилган бесўнақай таклифлар қилинганлиги жаҳон жамоатчилигининг э'тиборини жалб этди.

АҚШ ҳукуматининг раҳбарлари «зўравонлик қилиш» сиёсатининг барбод бўлганлигини ниқоблашга интилиб, ҳаққоний информациядан маҳрум этилган ўз тамошабинлари ва тингловчиларини Австрия Давлат Шартномасининг имзоланиши «зўравонлик қилиш» сиёсатининг ғалабаси деб ишонтиришга уриндилар. «Зўравонлик қилиш» сиёсатининг гўё ғалабаси тўғрисидаги бундай ўйдирмалар уларнинг илҳомчиларига кейинчалик, Даллеснинг шармандаси чиққан ва барбод бўлган «улоқтириб ташлаш сиёсати»ни яна майдонга чиқариш ва тўрт ҳукумат бошлиқларининг кенгаши халқ демократияси мамлакатларида эски режимларни қайтадан тиклаш тўғрисидаги масалани, шунингдек капиталистик мамлакатларда коммунистик, прогрессив ҳаракатни тақиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилсин, деган бема'ни таклифни илгари суриш учун керак бўлиб қолди. Ҳатто инглиз буржуа матбуоти ҳам бу таклифни «ўтакетган бема'нилик» деб ҳақли суратда атади.

Совет Иттифоқи олдига қандайдир талабларни қўйиш, айниқса буюк давлатлар бошлиқлари кенгашининг вазифаларига ҳеҳқандай алоқаси бўлмаган талабларни қўйиш тўғрисидаги бема'ни гаплар АҚШдаги ҳукмрон доираларнинг бундай кенгашни ўтказишга астойдил рози эканликларидан шубҳаланишга мажбур этади. Шундай ахмоқона да'волар блан майдонга чиқаётган кишилар кейинги йилларда жаҳон миқ'ёсида кучларнинг нисбатида бўлган туб ўзгаришларни тушунаолмаётган ёки тушунишни хоҳламаётган бўлсалар керак. Улар буюк давлатлар ҳукуматлари бошлиқларининг амалий кенгашида юқорида айтилган масалаларни қўйиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмаслигини тушунаолмайдилар ёки тушунишни хоҳламайдилар. Буюк давлатлар ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг чақирилишидан ғарб давлатлари Совет Иттифоқидан камроқ эмас, балки кўпроқ даражада манфаатдор эканликлари шубҳасиздир. АҚШ ташқи сиёсати раҳбарларининг бу кенгашдан суверен, озод халқларнинг ички ишларига аралашиш учун фойдаланишни кўзда тутган ниятлари уларнинг ҳақиқий аҳвол тўғрисидаги тасаввурлари тамомила бузуқ эканликини кўрсатиш блан бирга, уларнинг ҳаддидан ошиб кетганликларини ҳам исбот этади. Халқларнинг қандай социал тузумни танлаб олиш кераклигини ҳеҳким уларга буюраолган эмас ва буюраолмайди, ва ижтимоий тараққиётнинг об'ектив қонунлари ҳеҳкимга бўйсунмайди. Бу қонунларни қандайдир кенгашнинг қарори блан бекор қилишга уриниш — ўзини кулгили бир ҳолга тушириш бўлар эди, холос.

АҚШ раҳбарлари бу тўғрида ўзларига ҳисоб бермай қолаолмайдилар. Уларнинг кенгашда муҳокама қилиш учун бундай масалаларни илгари сураётганликлари уларга музокаралар эмас, балки музокаралар тўғрисида ғап сотиш керак, деб ўйлашга истар-истамас мажбур этади. Уларнинг бундан кузатган мақсади — музокаралар ни барбод этиб, айбни СССРга тўнкаш ва СССР блан ҳамкорлик қилиш ғўё мумкин эмас, деб «исбот қилиш»дир.

Ғарб давлатлари ҳукуматларининг тўрт давлат ўртасида жиддий ва виждонан музокаралар олиб борилишига халқият беришга интилаётганликлари уларнинг ҳукумат бошлиқлари кенгашини чақиришга техник жиҳатдан мони'лик қилиш йўлидаги ринишларида ҳам яққол кўринади. Ғарб давлатлари кенгаш ўтказиладиган жой тўғрисида ҳам, кенгашнинг қанча вақт давом этиши тўғрисида ҳам бема'ни талабларни қасдан илгари сурмоқдалар. Улар, масалан, кенгашни Венада ўтказиш тўғрисидаги таклифни рад этадилар, ҳолбуки кенгаш ўтказиш учун Венада зарур шароитнинг ҳаммаси бор. Улар кенгашни Лоэннада ўтказишни таклиф қиладилар, ҳолбуки бу ерда шундай шароитлар йўқлиги ҳаммага яхши ма'лум. Улар кенгаш икки-уч кундан ортиқ давом этмаслиги керак, дейдилар, ҳолбуки ҳал этиш пайти келиб қолган халқаро проблемаларни жиддий суратда қараб чиқишни бундай қисқа вақт ичида та'минлаш мумкин эмаслиги ҳарбир кишига аёндир.

Иккинчи томондан, шу нарса ҳам ма'лумки, АҚШ ва Англиянинг давлат ва сиёсий арбоблари тўрт буюк давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашини чақириш идеясидан, я'ни кенг халқ оммаси ўртасида машҳур бўлиб қолган ана шу идеядан дипломатия соҳасида ҳарқандай найранг ишлатиш, парламентларда лўттибозлик қилиш ва сиёсий спекуляция қилиш учун фойдаланишга уриниб келдилар ва ҳали ҳам уринмоқдалар. Масалан, тўрттомонлама музокаралар олиб бориш тўғрисида берилган ва'дадан кейинги вақтларгача Ғарбий Европа парламентларини Париж ҳарбий битимларини тезроқ ратификация қилишга мажбур этиш учун фойдаланиб келдилар.

Кейинги ҳафталарда четэл матбуотининг фикрича, Англиянинг ҳозирги бош министри Иден буюк давлатлар бошлиқларининг музокараларини ўтказиш идеясидан партиявий-сиёсий ички мақсадлар учун фойдаланмоқда. Оппозицион лейборист партиянинг раҳбарлари Иденни у тўрт давлатнинг кенгаши тўғрисидаги гаплардан 26 майда ўтказиладиган парламент сайловида сайловчиларни консерваторлар томонига ўтказиб олиш учунгина фойдаланмоқда, деб очиқдан-очиқ айбламоқдалар. Америка матбуоти тўрт ҳукумат бошлиқлари кенгашининг чақирилишига қарши анча вақтдан буён э'тироз билдириб келаётган АҚШ ҳукумати Англияда консерваторларнинг парламентдаги ўринларининг кўпчилигини олишлари ва ҳокимият тепасида қолишларига ёрдам бериш мақсадида ўз позициясини ўзгартирди, деб очиқдан-очиқ та'кидлади.

Аммо, «зўравонлик қилиш» сиёсати тарафдорларининг буюк давлатлар бошлиқларни кенгашини чақириш тўғрисидаги гаплардан халқ оммасини алдаш учун фойдаланишга уринаётганликлари ҳеҳкимни чалгитаолмайди. Буюк давлатлар ҳукуматларининг раҳбарларидан халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш учун конкрет тадбирлар кўришни талаб қилаётган барча мамлакатларнинг халқлари музокаралар ўйинини эмас, балки ҳақиқатан ҳам жиддий ва самимий музокаралар олиб борилишини хоҳлайдилар. Улар музокаралар тўрнисида ғап сотиш учун эмас, балки чинакам музокаралар олиб борилиши учун курашмоқдалар.

(«ПРАВДА»нинг 22 майдаги бошмақоласи)

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

1955 йилда маккажўхори етиштиришни кўпайтиришда колхозчиларнинг ва МТС трактор бригадалари ходимларининг манфаатдорлигини ошириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қарор қилдилар:

1. Маккажўхори етиштиришни кўпайтиришда колхозчиларнинг ва трактор бригадалари ходимларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида колхозларга йиғиб олинган маккажўхори ҳосилининг 15 процентгача бўлган қисмини тўла етилган маккажўхори сўталари, думбуллигида силос қилинган маккажўхори сўталари ҳамда маккажўхори поясидан ва барглaридан бостирилган силос ҳолида умумий йиғилиш қарори блан колхозчиларга ва МТС трактор бригадаларининг ходимларига меҳнат кунлари бўйича тегишли бўлган иҳҳақига қўшимча қилиб бериш тавсия этилсин.

Колхозчилар ва МТС трактор бригадалари ходимларига тегишли бўлган маккажўхори сўталари, шунингдек маккажўхори силоси қуйидаги тартибда тақсимлансин: ҳарбир бригада (звено)га биркитиб қўйилган майдондан йиғиштириб олинган ялпи маҳсулотдан колхозчиларга ва трактор бригадалари ходимларига бериш учун ҳисоблаб ёзилган маккажўхори сўталари ва маккажўхори силосининг ярмичаси мазкур бригада (звено)ларнинг колхозчилари ва трактор бригадалари ходимлари ўртасида маккажўхори ҳосилини етиштиришда, йиғиштириб олишда ва силос қилишда ишланган меҳнат кунларига яраша тақсимлансин, мазкур маккажўхори ва силосининг қолган қисми барча колхозчилар ва трактор бригадаларининг ходимлари ўртасида уларнинг йил бошидан буён колхоз жамоат хўжалигида ишлаган ҳамма меҳнат кунларига қараб тақсимлансин.

2. Маккажўхорининг гибрид ургуларини етиштириш блан шуғулланаётган бригада ёки звеноларнинг колхозчиларига ва трактор бригадаларининг ходимларига, МТС бош агрокоми уларнинг қўш линияларо гибридларни етиштиришдаги ҳамма қоидаларга амал қилганликларини та'кидлаган тақдирда, уларнинг ўзларига биркитиб қўйилган участкалардан олинган маккажўхори сўталарининг 50 процентчасини, бошқа гибридларни етиштирган ва гибридларнинг сер ҳосил нав'ларини кўпайтирганда 30 процентчасини бериш колхозларга тавсия қилинсин. Маккажўхори мазкур участкаларда уларнинг ишлаган меҳнат кунларига қараб тақсимлансин. Гибрид ургуларни етиштирганлик учун ёки гибридларнинг сер ҳосил нав'ларини кўпайтирганлик учун тегишли бўлган маккажўхори умумий экинлардан сўталар блан бериласин.

3. Колхозларга маккажўхорини етиштириш, йиғиштириб олиш ва силос бостириш ишларини ташкил қилганлик ва ўтказганлик учун умумий йиғилиш қарори блан колхозчиларга қўйидаги равишда қўшимча ҳақ тўлаш тавсия қилинсин:

а) ишлабчиқариш бригадасининг бошлиғига — бригадаларга ишга яроқли ҳарбир колхозчига ўрта ҳисобда тўғри келадиган маккажўхори сўталари ва силос миқдорининг 150 процентгача бўлган қисми;

б) трактор бригадасининг бошлиғига — трактор бригадасидаги ҳарбир тракторчига ўрта ҳисобда тўғри келадиган маккажўхори сўталари ва силос миқдорининг 150 процентгача бўлган қисми ва унинг ёрдамчисига 130 процентгача бўлган қисми;

в) колхоз раиси ва агрономи (зоотехник) га ишлабчиқариш бригадасининг битта бригада бошлиғига ўртача тўғри келадиган маккажўхори сўталари ва силос миқдорининг 130 процентгача бўлган қисми тўланади.

4. Белгилансинки, маккажўхори етиштириш, йиғиштириб олиш ва силос бостириш учун ушбу Қарорда кўзда тутилган қўшимча ҳақ меҳнат кунларига аванс бериш ва колхознинг ўз хўжалиги ичидаги эҳтиёжлар учун ажратилган дон миқдоридан ташқари ва давлат олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигидан қат'ий назар тўланаверади.

5. Колхозларга ушбу Қарорнинг 1-ячи ва 3-ячи моддаларига биноан маккажўхори ва силос блан тўланадиган қўшимча ҳақни колхозчиларнинг ва МТС ходимларининг ҳоҳиши бўйича колхозчилар умумий йиғилиши қарорида белгиланган миқдорлада бошқа маҳсулотлар ёки пул блан тўлаш тавсия қилинсин.

Саноат ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларининг

Совет Иттифоқи саноатидаги барча ишчиларга, инженер-техник ходимларга ва хизматчиларга

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Биз Кремльда саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашига тўпланиб, Совет Иттифоқининг қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва интеллигенцияси коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида халқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришганликларини фахрланиб қайд қилиб ўтамиз.

Саноат ишлабчиқариши ҳажми йилдан-йилга кўпаймоқда, меҳнат унумдорлиги узлуксиз ошиб бормоқда, ишлабчиқарилаётган буюмларнинг сифати яхшиланмоқда ва таннархи камаймоқда. Бу йил саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1950 йилги даражадан 80 процент, урушдан аввалги даражадан эса — 3 баравардан кўпроқ ошиб кетади. Бешинчи бешйиллик планнинг саноат маҳсулоти ҳажмини кўпайтириш соҳасидаги топшириғи бажарилибгина қолмай, блан ошириб бажарилади.

Биз социалистик экономиканинг асоси бўлган оғир индустриянинг муваффақиятларини айниқса қониқиш блан қайд қилиб ўтамиз. Ҳозирги вақтда оғир саноат 1940 йилдагига нисбатан 3,5 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқармоқда: мамлакатимизда чўян урушдан аввалги вақтдагига нисбатан 2 баравар кўп, пўлат 2,3 баравар кўп, кўмир 2,1 баравар кўп, нефть 1,9 баравар кўп, электр қуввати — деярлик 3 баравар кўп, машина ва ускуналар 4 баравар кўп ишлаб чиқарилмоқда.

Оғир индустриянинг кучли равишда юксалганлиги енгил саноатни ва қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришни та'минлаш, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини системали равишда ошириб боришга эришиш имкониятини берди.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги мураккаб вазифалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Бизнинг Ватанимиз дун'ёда биринчи бўлиб атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланабошлади.

Биз, совет кишилари социалистик экономикани ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятлардан қувонганимиз ҳолда, эришилган муваффақиятлар блан саноатланиб қолаолмаймиз ва хотиржамликка йўл қўяолмаймиз. Бизнинг олдимизда гоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлган вазифа — коммунистик жамият қуриш вазифаси турибдики, бу вазифани амалга ошириш учун меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириб бориш талаб қилинади.

Биз саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида ишлабчиқаришни тобора ўстириш йўлларини ҳартарафлама муҳокама қилдик, совет кишиларига хос далиллик блан ишимиздаги камчиликларни ва жуда катта резерларни очиб ташладик, бу катта резервлардан халқ хўжалигини янада кескин суратда юксалтириш манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкин ва лозим.

Асосий камчилик шундан иборатки, ишни юксак даражада уюштириш ва техникадан тўғри фойдаланиш натижасида юқори меҳнат унумдорлигига эришаётган энг яхши корхоналар ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаси етарли даражада оммалаштирилмаётир ва ҳали ҳам саноатдаги барча ходимлар орасида ёйилмаётир.

Бизда техникани муваффақиятли ўзлаштираётган, ўз иш усулларини ва методларини узлуксиз равишда такомиллаштираётган, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтирадиган янгидан-янги резерларни очиб ташлаётган ва улардан фойдаланаётган кўпгина илғор корхоналар ва ажойиб ишлабчиқариш новаторлари бор. Улар ўз намуналари блан саноатимизнинг оғишмай олдинга силжиб бориши йўлларини яққол кўрсатиб бермоқдалар. Бироқ, бирқанча корхоналар ва ба'зи саноат тармоқларидаги иш кўрсаткичларининг ўртача даражаси илғор корхоналарнинг иш кўрсаткичлари даражасидан анча пастдир. Бундан ташқари, бизда саноатимизнинг ҳатто ўртача иш кўрсаткичлари даражасига ҳам етаолмаётган кўпгина бригадалар, цехлар ва участкалар, фабрика ва заводлар бор.

Бундай аҳволнинг рўй беришига сабаб нима? Бизда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлабчиқаришни рационал уюштириш соҳасида ажойиб намуналар бўлгани ҳолда, меҳнатни уюштириш ва техникадан фойдаланиш иши паст даражада бўлган қолоқ корхоналар ҳам борлигига сабаб нима?

Бунинг сабаби шуки, биз илғор корхоналарнинг ва ишлабчиқариш новаторларининг муваффақиятларини етарли даражада ўрганмаётирмиз ва оммалаштирмаётирмиз, уларнинг тажрибасини бутун саноатга етарли даражада ёймаётирмиз. Агар биз барча саноат ходимларининг э'тиборини энг яхши корхоналар ва ишлабчиқариш новаторларининг иш методларини жуда қисқа муддат ичида эгаллаб олишга, қолоқ шахталарни, конларни, фабрика ва заводларни илғорлар даражасига кўтаришга, ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни, шунингдек прогрессив расчет-техника нормаларини саноатга кенг жорий қилишга қаратсак, биз жуда катта резерларни ишга солган бўлар эдик ва ишлаб турган корхоналарнинг қувватидан яхши фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини кескин суратда оширишни, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, ишлабчиқариш чиқимларини анча камайтиришни ва маҳсулот таннархини камайтиришни яқин вақт ичида та'минлайолган бўлар эдик.

Азиз ўртоқлар! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашида илғор корхоналарнинг вакиллари ва ишлабчиқариш новаторлари ўз муваффақиятлари ва ютуқлари ҳақида, ўз иш методлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Бу муваффақиятлар барча саноат ходимлари ўртасида ёйилиши лозим.

Магнитогорск металлургия комбинатининг коллективи бешинчи бешйилликни муддатидан илгари бажариш учун бўлаётган социалистик мусобақада ажойиб муваффақиятларга эришди. Комбинатда бир ишчининг ишлаб чиқараётган маҳсулот миқдори энг юксак даражага етди, бу миқдор Қора металлургия министрлигига қарашли ҳамма корхоналардаги ўртача иш унуми даражасидан чўян бўйича 3,5 баравардан кўп ва пўлат бўйича 2 баравардан кўпдир.

Кузнецк металлургия комбинатида 370 тонналик 1-ячи сонли мартен печининг коллективи 1954 йилда печьнинг ҳар квадрат метридан 9,5 тонна пўлат эритиб олишга муваффақ бўлди ва Макеевка металлургия заводида ана шундай ҳажмли 9-ячи печьнинг пўлат эритучиларига қараганда 40 процент кўп пўлат эритди.

Қора металлургияда юксак иш кўрсаткичларига эришиш учун курашда «Запорожсталь» заводининг бошқа печьларига қараганда 9 процент кўп пўлат эритиб берди. Ўртоқ Помятун бригадаси эритиш процессини жадаллаштириш учун кислород ишлатиб, 1954 йилда ўз печида Макеевка металлургия заводида худди шундай печьда кислород қўлланилмасдан эритилганига кўра 60 процент кўп пўлат эритди.

Первоуральск янги труба заводининг мастери Иван Чурсинов бригадаси шу йилнинг биринчи кварталида труба-прокат қиладиган станнинг соатлик иш унумини деярлик 11 процент ошириб ва унинг бекор туришини бошқа заводлардаги шунга ўхшаш агрегатларга нисбатан икки баравардан кўпроқ камайтирди.

Магнитогорск металлургия комбинатининг домначилари домна ишлабчиқаришида темир рудаларни ўртача даражага келтиришни, офлюслаштирилган агломератни, колошник тагига газ босимини ошириш, иссиқликни юксак даражага етказишни ва доимо нам бериб туришни комплекс қўлланиш натижасида ишлаб турган домна печьларида чўян эритишни анча кўпайтиришга эришдилар.

Пўлат эритишда жадал усулларнинг кенг ривожланганлиги, кўпчилик мартен печьларининг қўш садқага ўтказилганлиги, хромомагнезит огнеупорлар ишлатилганлиги ва бошқа илғор технология методлари қўлланилганлиги Кузнецк ва Магнитогорск комбинатларининг коллективларига мартен печьларининг унумини оширишда юксак кўрсаткичларга эришишни ва пўлат эритишни кескин суратда кўпайтиришни та'миналш имкониятини берди.

Рангли металлургия министрлигига қарашли Иртиш полиметалл комбинатининг коллективи технология процессини мукаммаллаштириш ва руда чиқаришда унумлироқ методларни жорий қилиш ҳисобига бешинчи бешйилликда руда чиқаришни ва хомаки мис ишлаб чиқаришни 2 баравар кўпайтирди. Комбинат 1954 йилда маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига пландан ташқари 11 миллион сўм маблағни тежади.

«Электроцинк» заводининг коллективи ишда анча муваффақиятларга эришди. Завод рудадан металлни комплекс равишда ҳосил қилишни йилдан-йил оширабориб, бешинчи бешйиллик мобайнида рух ва қўрғошин чиқаришни 2 баравар кўпайтирди ва пландан ташқари 3,5 минг тонна рух ҳамда 2 минг тонна қўрғошин тайёрлаб берди.

Рангли металлургиянинг кончилик корхоналарида илғор новатор ишчилар янги техникани муваффақият блан ўзлаштириб ва цикл бўйича ишлаш графисини кенг жорий қилиб, меҳнат унумдорлигини анча оширишга эришдилар. Чорух-Дайрон кон бошқармасининг проходчиклар бригадири Михаил Нагорний қазиш теслигини ойига 75 метргача етказмоқда. Бу кон бошқармасидаги ўртача қазиш теслигиги эса 25 метрдан ошмайди. Хапчеранг комбинатида проходчилар бригадаларининг бошлиқлари Василий Федотов ва Яков Харлашин қазиш теслигини ойига 100 метргача етказмоқдалар. Ҳолбуки, комбинат бўйича ўртача теслик 42 метрни ташкил этади.

III Интернационал номли кон бошқармасида забойчилар бригадаси бошлиғи Николай Колесневнинг ташаббуси блан коннинг ҳарбир квадрат метридан руда чиқаришни максимал даражага етказиш учун кураш ҳаракати бошланди. Ўртоқ Колеснев бригадаси суткада уч циклни бажаришга эришиб, ишлабчиқариш топшириғини 1,5-2 баравар ошириб бажармоқда.

Металлургия саноатининг ходимлари! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларни илғор корхоналарнинг ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибасини кенг ёйишга, домна, мартен, пўлат эритиш ва отражатель печьларининг иш унумини, прокат станларининг ва бошқа агрегатларнинг иш унумини ошириш соҳасида мавжуд резервларнан металл ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун тўла фойдаланишга чақиради. Илғор иш методларини ва прогрессив технологияни — металлургия печьларида кислород процессини ва ўтга жуда чидамли бўлган материалларни, прокат цехларида рационал калибровкани ва прокат ишлашнинг жадал усулларини, рудникларда тупроқ ва руда қазишнинг юқори унумли системаларини гайрат блан жорий қилингиз. Рудалардан металларни ажратиб олиш даражасини оширингиз ва тўла ажратиб олишга эришингиз, ҳомаш'ёдан комплекс фойдаланингиз. Маҳсулот сифатини яхшиланглз, пўлатнинг янги, янада тежамлироқ бўлган маркаларини ва прокат профилларини ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз, ҳомаш'ё ва материаллар сарфлашни камайтирингиз.

Кўмир саноати илғор кишилари блан ҳамиша донг чиқариб келди. Стахановчилик ҳаракати — юксак меҳнат унуми учун кураш ҳаракати ўз вақтида кўмир саноатида вужудга келган эди. Ҳозирги вақтда илғор лава ва шахталарнинг шахтёрлари, инженер ва техниклари кўмир саноати ходимларининг шонли традицияларини давом этдириб, ишлабчиқаришни тўғри ташкил қилиш ва техникани моҳирлик блан ишлатиш йўли блан меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлмоқдалар.

Донбассда илғор ҳисобланган «Западная-Капитальная» шахтасининг шахтёрлари меҳнатни ва ишлабчиқаришни доимо мукаммаллаштириб бориш, конларни тозалашда комплекс бригадалар тузиш, кўмир чиқаришда лаваларнинг бир сменали иш режимини жорий қилиш ва цикл графикларини пухта бажариш натижасида кейинги тўрт йил ичида кўмир чиқаришни 55 процент кўпайтирдилар, меҳнат унумдорлигини бирярим баравар оширдилар ва кўмир таннархини 26 процент камайтирдилар.

Донецкдаги Димитров номли 5-6-ячи шахтанинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Иван Бридько бошчилик қилаётган участкانинг илғор коллективи эришган муваффақиятлар ҳаммага ма'лумдир. Бу шахтёрлар коллективи ўртоқ Бридько раҳбарлигида кўп йиллар давомида забойларни ўз вақтида сифатли тайёрлаганлиги, меҳнат усталик блан уюштирилганлиги ва техникадан яхши фойдаланилганлиги натижасида топшириқни доимо ошириб бажармоқда ва ишда юксак кўрсаткичларга эришмоқда.

Калинин номли 5—6-ячи шахтада (Донбассда) Иван Пилипенко ва Петр Гуляшев бошлиқ бригадалар қазиш ва стволни доимо мустаҳкамлаб бориш ишларини айни бир вақтда бир-бири блан боғлаб олиб бораётганликлари, бригадада меҳнат пухта уюштирилганлиги ва кончилик техникасидан тўғри фойдаланилганлиги натижасида бир ой ичида 202 метр вертикаль стволни қазиб ўтдилар, ҳолбуки, Кўмир саноати министрлиги бўйича вертикаль стволларни қазишдаги ойлик ўртача теслик бундан анча камдир.

Бироқ, кўмир саноатидаги илғор шахталар ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаси яхши ўрганилмаётир ва кенг ёйилмаётир. Ана шунинг натижасида, янги техника блан жуда кўп та'минланган бўлишига қарамай, кўмир саноатида меҳнат унумдорлиги секин ўсмоқда. Кўп шахта ва лаваларда юксак унумли техникадан яхши фойдаланилмаётир, шахтёрларнинг меҳнати қониқарсиз ташкил қилинган. Ана шунинг натижасида кўпгина шахталар кўмир чиқариш планини бажармаётирлар ва мамлакатга анча миқдорда кам кўмир бермоқдалар.

Кўмир саноатидаги шахтёр, инженер ва техник ўртоқлар! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларни халқ хўжалигининг кўмирга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун тезда ва қат'ий чоралар кўришга чақиради. Ҳамма шахталар ва кўмир разрезларининг ишлабчиқариш планини бажаришларига эришингиз. Конларни тайёрлаш ва забой линияларини тозалаш сур'атларини тезлаштирингиз. Кон техникасидан фойдаланишни ҳамма йўллар блан яхшиланглз, меҳнат унумдорлигини оширингиз, чиқарилаётган кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшиланглз, ҳамма шахталарда, лава ва забойларда меҳнатни уюштиришда илғор методларни дадиллик блан ёйингиз, шахталарни, лава ва забойларни циклли иш усулига тезроқ ўтказингиз.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Саноат ходимлари Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчилари Мурожаатининг охири

Нефть саноатида илғор нефть конлари ва ишлабчиқариш новаторлари меҳнат унумдорлигини оширишда ва нефть чиқаришни кўпайтиришда анча катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Тўймазин нефть кон бошқармасининг коллективи нефть чиқаришда илғор методи — контур орқасига сув қўйиш йўли билан қатламда босимни доим бир даражада тутиш усулини кенг қўлланиб, бешинчи бешйилликнинг ўтган йиллари ичида нефть чиқаришни 2 баравар кўпайтирди. Ўтган йилнинг ўзидагина Тўймазин нефтьчилари пландан ташқари 102 минг тонна нефть чиқариб бердилар. Бу бошқармаларнинг конларида меҳнат унумдорлиги Нефть саноати министрлиги бўйича бўлган ўртача даражадан 3,5 баравар юқори, нефть чиқариш таннархи эса 3 баравар камдир.

«Татнефть» бирлашмасидаги мастер Мугаллим Гимазов бошлиқ пармалаш бригадаси меҳнатни тўғри уюштириш, пармалашда юксак режимларни қўлланиш ва тайёргарлик ишларини ўз вақтида қилиш натижасида бир йил ичида план топшириғида кўзда тутилганидан 2 баравар кўп нефть қудуғи пармалаб берди. Бошқа пармалаш мастерлари ҳам пармалашда министрлик бўйича бўлган ўртача кўрсаткичлардан анча ошиб кетган юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар. Бироқ, министрлик уларнинг муваффақиятларини етарли даражада оммалаштирмаётир, уларнинг иш методлари ҳамма пармалаш бригадаларига ёйилмаётир. Нефть саноати министрлигининг пармалаш ишлари планини йил сайин бажармай келаётганлигига сабаб ҳам шудир.

Нефть саноати ходимлари! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларни нефть чиқаришни кўпайтиришга, нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва уларнинг сифатини оширишга чақиради. Геология-разведка ишларини ғайрат билан кучайтириб юборингиз, янги конларни аниқлангиз, нефть қудуқлари қазишда жадал методларни ғайрат билан жорий қилингиз. Нефть чиқаришдаги илғор методдан — қатламдаги босимни сақлаш ва такрорий фойдаланиш методларидан кенг фойдаланингиз. Нефтьни қайта ишлашда прогрессив процессларни ғайрат билан жорий қилингиз, ишлаб турган установкаларнинг ишини доимо мукаммаллаштириб борингиз, нефть маҳсулотларининг янги сортларини ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз.

Химия саноатида бирқанча корхоналарда технология процессларини жадаллаштириш соҳасида анча ишлар қилинган, бу эса маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятини берди.

Колчеданни пиширишда Воскресенский химия комбинати мастери Петр Кривошейкин таклиф этган рационал методнинг ба'зи заводларда ишлатилиши 1954 йилда қўшимча равишда 80 минг тоннадан кўпроқ олтингугурт қислотаси ишлаб чиқариш имкониятини бердики, бу янги заводни ишга туширишни анчадан бери баравардир. Бироқ, илғор корхоналарнинг ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаси яхши ёйилмаётир. Химия саноати ходимлари химия маҳсулотининг янги хилларини ишлаб чиқариш масалалари билан ҳали ҳам етарли даражада шуғулланмаётирлар, уларнинг сифатини яхшилашга тегишинча э'тибор бермаётирлар.

Химия саноати ходимлари! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларни химия маҳсулотининг янги турларини ишлабчиқаришни тезроқ кенгайтиришга, уларнинг сифатини яхшилашга, фан муваффақиятларини ва илғор тажрибани ишлабчиқаришга ғайрат билан жорий қилишга, ишлабчиқариш процессларини ҳаддиллик билан жадаллаштиришга ва автоматлаштиришга, каучук, синтетик мой, сун'ий тола, пластик масса ва бошқа химикатлар ишлаб чиқариш учун кўмир ва нефтьни қайта ишлаш вақтида ҳосил бўлган чиқинди маҳсулотларидан, шунингдек табиий газлардан кенг фойдаланишга чақиради.

Энергетика халқ хўжалигининг жуда муҳим тармоғидир. Иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган янги районларни ўзлаштириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш даставвал мамлакатни электрлаштиришни ривожлантиришга боғлиқдир. СССРда электростанцияларнинг қуввати ва электр линияларининг узунлиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бироқ, уларнинг ўсиш сур'атлари етарли эмас, бу эса халқ хўжалигидаги айрим тармоқларни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда.

Энергетик ўртоқлар! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларни янги энергетика қувватларини ишга солиш сур'атларини оширишда мақсадида энергетика об'ектларини ишлатишда ва уларни қуришда янги техникадан ва янги методлардан тўла фойдаланишга чақиради. Электр станцияларида янги турбиналар, қозонлар, электр ускуналари ва бошқа агрегатларнинг проектда кўзда тутилган техника-иқтисодий кўрсаткичларини тезроқ ўзлаштиришда илғор корхоналарнинг тажрибасидан кенг фойдаланингиз, ёқилғини пландан ташқари тежашга эришингиз. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини электр қуввати билан та'минлашни яхшилаш мақсадида электростанциялар ва электр тармоқларининг пухта ишлашини та'минлангиз.

Машинасозликда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида ғоят катта резервлар бор. Ма'лумки, тайёрловчи цехлар — қуйиш ва темирчилик цехлари машинасозлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпинча тўсиқ бўлиб келмоқдалар. Кўпгина корхона ва министрликларнинг раҳбарлари янги қуйиш ва темирчилик цехлари қуриш масаласини ўртага қўймоқдалар, шу билан бирга мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан яхши фойдаланилмаётир, кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш майдонининг бир квадрат метридан қуйилма ва поковка жуда кам олинмоқда.

Тбилисида Станкосозлик ва асбобсозлик саноати министрлигига қарашли «Центролит» заводида ишлабчиқариш майдонининг бир квадрат метридан олинаётган қуйилма миқдори Москвадаги «Станколит» заводидагидан 70 процент кам, бир ишчининг иш унуми эса бу министрликнинг Ленинграддаги «Станколит» заводидагига нисбатан тахминан икки баравар камдир.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларининг темирчилик цехларида ишлабчиқариш майдонининг бир квадрат метрдан олинаётган поковка миқдори ва бир ишчининг иш унуми, масалан, Москвадаги Сталин номли автомобиль заводининг темирчилик цехидагига нисбатан 2,5—3 баравар камдир.

Ишлабчиқариш новаторлари металлни ишлаш методларини мукаммаллаштириб машинасозлигимизда қандай катта резервлар эканлигини яққол қатъий бермоқдалар. Киевдаги «Красный экскаватор» заводининг токари Виталий Семинский кейинги йиллар ичида меҳнат унумдорлигини оширадиган ва маҳсулот сифатини яхшилайдиган турли асбобларнинг 50 дан кўпроқ конструкциясини тайёрлаб берди. Ўртоқ Семинскийнинг кўп қиррали валларни ишлаш учун тайёрлаб берган асбоби бу детальни ишлаш муддатини 15 баравар камайтириш имкониятини берди.

Москвадаги «Красный пролетарий» станкосозлик заводининг токари Николай Бузьмин ўз конструкциясидаги асбобдан — дастлабки чархлаш учун орқадаги бурчаклари катта бўлган резецлардан ва пардозлаш учун қирқуч кронкаси кенг бўлган резецлардан фойдаланиб, карусель станогида жадал сур'ат билан ишлямоқда. У ўзи таклиф этган кўп ўринли ускуналарни ишлатиш ва станокни модернизация қилиш ҳисобига қўшимча ишлар вақтини камайтириб, бошқа карусельчиларнинг иш унумдорлигини 2,5 баравар оширди.

Ўртоқлар! Машинасозлик индустриясининг юрагидир. Техникани янада тараққий этдириш, саноатнинг техника даражасини ошириш, ишлабчиқариш процессларини автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз кўпайтириш ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш вазифаларини муваффақиятли суратда бажариш машинасозликни ривожлантириш сур'атларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу эса, машинасозлик зиммасига алоҳида жавобгарлик юклайди.

Машинасозлик саноатининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларга мурожаат қилиб, ишлабчиқаришни ўюштириш методларини такомиллаштиришга, машина ва асбоб-ускуналар тайёрлашда илғор технология процессларини дадилроқ жорий қилишга, ишлабчиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилашга, мавжуд майдонлардан ва машина-ускуналарнинг ҳарбир единицасидан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга чақиради.

Машинасозлик саноатининг ходимлари! Биз, кенгаш қатнашчилари сизларни кўмир, нефть, металлургия, химия ва ўрмон саноати учун, электростанциялар учун, машинасозлик корхоналарини, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарини, қишлоқ хўжалигини, қурилишни ва транспортни та'минлаш учун юқори унумли янги машина ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни тезликда ўзлаштиришга, шунингдек асбоб-ускуналарни ремонт қилиш учун керакли запас қисмларни марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқаришни кўпайтиришга чақирамиз. Машиналарнинг типларини тўхтовсиз такомиллаштирингиз, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни та'минлаш учун машиналар, асбоб-ускуналар ва асбоблар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз.

Енгил саноат корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари меҳнат унумдорлигини ошириш йўлидаги умумхалқ ҳаракатида актив қатнашмоқдалар. Енгил саноатининг илғор корхоналари ва ишлабчиқариш новаторлари ўз ишларининг методларини такомиллаштириб, мавжуд машина-асбоблардан олинаётган маҳсулотни системали суратда кўпайтирмоқдалар ва ишлаб турган корхоналарнинг резервларидан фойдаланишни яхшилаш йўли билан кенг иste'мол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини қандай қилиб кенгайтириш мумкин эканлигини кўрсатмоқдалар.

Барнаул ип-газлама комбинатидаги ҳарбир станокда ҳар соат мобайнида ишлаб чиқарилаётган газлама Калининдаги «Пролетарка» ип-газлама комбинатида худди шундай станокларда ишлаб чиқарилаётган худди шундай газламалар миқдоридан 18,5 процент ортиқдир. Владимир областидаги Володарский номли фабрика ходимлари коллективи чит ва маданолам учун керакли миткаль ишлаб чиқаралиган тўқув станокларининг ғоят унумли ишлашига муваффақ бўлди. Агар биз газлама ишлаб чиқараётган фабрикалардаги тўқув станокларининг унумдорлигини Володарский номли фабрикада эришилган даражага етказганимизда, ана шу фабрикаларда мавжуд бўлган машина-асбобларда қўшимча равишда йилига 30 миллион метрга яқин миткаль тайёрлаш мумкин бўлар эди.

Енгил саноатда юксак меҳнат унумдорлигига эришган ажойиб новаторлар кўп. Москвадаги Калинин номли фабрикада Серафима Котова бошлиқ йигируучилар бригадаси машиналарнинг иш сур'атини тезлатиш, ип чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ипни бир-биридан ажратадиган қўшимча асбобларни ўрнатиш йўли билан ипнинг узилишини камайтириш натижасида машина-асбобларнинг энг унумли ишлашига муваффақ бўлди. Калинин номли фабрикаларга йигируучиларнинг ҳамма бригадалари Серафима Котова бригадасининг иш методларини эгалларганларида, костюмлар тикиш учун 200 минг метр жун газлама ишлаб чиқариш учун етарли бўлган миқдордаги ипни қўшимча равишда тайёрлаш мумкин бўлар эди.

Монино камволь комбинати мастер ёрдамчиси ўртоқ Капралов бригадаси кўп миқдордаги тўқув станокларида ишлаб бошлаб ва графикка қаттиқ риоя қилган ҳолда станокларни системали суратда кўздан кечириб ва уларни созлаш йўли билан ҳарбир станокнинг иш унумини оширишга муваффақ бўлди. Тўқув станокларининг иш унумини ўртоқ Капралов бригадаси эришган даражага етказганда, Монино комбинатининг бир ўзигина мавжуд машина-ускуналарда қўшимча равишда бир миллион метрга яқин жун газлама ишлаб чиқараолар эди.

Кенг иste'мол товарлари саноати ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларга қуйидаги чақириқ билан мурожаат қилади: Илғор корхоналар ва ишлабчиқариш новаторларининг иш методларини тез эгаллаб олишгиз, машина-асбобларнинг ҳар единицасидан олинадиган маҳсулотни кўпайтирингиз, хомаш'ёдан тежаб фойдаланингиз, кенг иste'мол товарлари ишлаб чиқаришни оширингиз, уларнинг сифатини яхшиланг из ва ассортиментини кўпайтирингиз!

Саноатнинг бошқа тармоқлари, чунончи, ўрмон, қоғоз ва ёғоч,тахта, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат товарлари саноати, гўшт, сут ва балиқ саноатидаги ишлабчиқариш новаторлари ва илғор корхоналар ҳам меҳнат унумдорлигини оширишда, мавжуд ишлабчиқариш майдонларидан ва машина-асбобларнинг ҳарбир единицасидан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда анча катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Илғор корхоналар ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибалари саноатнинг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш учун жуда катта резервлар борлигини очиб беради, совет кишилари техникани а'ло даражада эгаллаб, белгиланган мақсадга эришишда қунт билан ҳаракат қилиб, иш методларини тинмай такомиллаштириб борганларида қандай муваффақиятларга эришаолажакларини кўрсатади. Илғорларнинг ишлабчиқариш соҳасидаги муваффақиятлари саноатдаги барча ходимлар учун намуна бўлади.

Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш, энг яхши корхоналарнинг ва ишлабчиқариш новаторларининг илғор иш тажрибаларини дарҳол ёйиш ва ишлабчиқаришга жорий қилиш — саноатдаги барча ходимларнинг, ҳарбир ишчи, ҳарбир инженер, техник ва ҳарбир хизматчининг бурчидир. Бизнинг бутун кучимиз ва бутун э'тиборимиз ана шу олижаноб вазифани бажаришга қаратилиши лозим. Бизда кейинда қолаётган бирор корхона ҳам, иш нормаларини бажармаётган бирор ишчи ҳам, янги машиналар, буюмлар, материалларни вужудга келтириш ва уларни ишлаб чиқариш методларини такомиллаштириш соҳасида ижодий меҳнат билан шуғулланмаётган битта ҳам инженер ва битта ҳам техник бўлмаслиги керак.

Биз саноатдаги барча ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни мавжуд ишлабчиқариш майдонларидан, машина-асбобларнинг ҳарбир единицасидан олинадиган маҳсулотни кўпайтиришга, ҳарбир ходимнинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришишга чақирамиз.

Кейинги йилларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари кўп миқдорда янги мукаммал машина ва механизмларни олдилар. Оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган ишлар кенг миқ'ёсда машиналаштирилмоқда. Саноатнинг электр қуввати билан та'минланиши тўхтовсиз ортиб бормоқда.

Аммо, техникани тараққий этдириш соҳасида эришилган муваффақиятлар фан ва саноатдаги ба'зи ходимлар орасида совет кишиларига хос бўлмаган ва бегона бўлган кайфиятларни — хотиржамлик, кибирланиш ва мақтанчоқлик кайфиятларини вужудга келтирди. Бундай кайфиятлар бизнинг ишимизга зарар етказади, техникани тараққий этдиришга халақит беради, бундай кайфиятларга тез ва қат'ий хотима бериш лозим. Саноат ходимлари мамлакатимизда ва чет элларда фан ва техника эришган муваффақиятларни доим э'тибор билан ўрганишлари ва бу муваффақиятлардан кенг фойдаланишлари, техника тараққиётини бутун кучлари билан тезлатишлари, Ватанни янги қашфиётлар билан тўхтовсиз бойитиб туришлари керак.

Биз, Фан ва техника арбобларини, олий ўқув юртларининг илмий ходимларини, илмий-текшириш институтларини, конструкторлик бюроларининг ходимларини, саноат корхоналарининг инженерлари ва техникларини, ихтиро'чиларни ва рационализаторларни янги машиналарни вужудга келтириш, ишлаб турган машина-асбобларни такомиллаштириш ва модернизация қилиш, янги материалларни ва уларни ишлабчиқариш методларини кидириб топиш соҳасидаги ишларни кучайтиришга, эскилик билан кураш олиб бормай туриб, янгиликни турмушга тез татбиқ этиш мумкин эмаслигини эсда тутиб, илмий кашфиётларни ва техника ютуқларини ишлабчиқаришда актив жорий қилишга чақирамиз. Ишлабчиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш вазифаларини тезликда ҳал этиш айниқса муҳимдир.

Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши министрликлар, главкалар, трестлар, комбинатларнинг ходимлари янги техника масалалари билан суст шуғулланаётганликларини, ғоят унумли ишлайдиган машиналар, янги материаллар соҳасида фан ва илғор иш тажрибалари эришган ютуқларни ишлабчиқаришда ўзлаштиришни ҳамда технология процессларини такомиллаштиришни жуда қониқарсиз уюштираётганликларини та'кидлайди. Бунга сабаб шуки, министрликлар ва муассасаларнинг ишларида корхоналарга раҳбарлик қилишдаги концеляриячилик-бюрократик методлар ҳали йўқотилган эмас.

Министрликлар, главкалар, трестлар, комбинатларнинг ходимлари! Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши сизларни саноатга раҳбарлик қилишдаги мавжуд камчиликларни тезликда йўқотишга, бошқариш аппаратининг ишини яхшилаш ва такомиллаштиришга, аппаратни асраш харажатларини камайтиришга чақиради.

Саноат ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши министрликлар, главкалар, трестлар, комбинатлар, корхоналарнинг раҳбарларини янги техникани саноатга жорий қилиш ишига чинакам етакчилик қилишга, илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва кенг ёйишни уюштиришга чақиради.

Биз саноат корхоналарининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларига мурожаат қилиб, уларни қуйидаги ишларни бажаришга чақирамиз: эскилик ва қолоқликка қарши шафқатсиз кураш олиб борилсин, илмий-текшириш институтларимизда, конструкторлик бюроларида ва корхоналарда вужудга келтирилаётган янгилик, илғорликнинг ҳаммаси ишлабчиқаришда тез ўзлаштирилсин; шунга эришмоқ керакки, янги техникани жорий қилган пайтда меҳнатни ва ишлабчиқаришни уюштириш такомиллаштирилаборилсин, корхоналарни бошқариш методлари яхшилансин. Шундай қилгандагина янги техникадан тўла фойдаланилади.

Азиз ўртоқлар!

Бешинчи бешйилликнинг охирги йилида турибмиз. Саноат бешинчи бешйиллик планнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан берган топшириқларини муваффақиятли суратда бажармоқда. Аммо, барча корхоналар давлат томонидан белгиланган планни бажарганларида янада кўпроқ муваффақиятларни қўлга киритган бўлар эдик. Бизда давлат топшириқларини анча ошириб бажараётган корхоналар билан бир қаторда планларини бажармаётган ва бу билан саноатнинг аралаш тармоқларида ишлабчиқаришнинг тўғри боришига халақит бераётган ҳамда халқ хўжалигига катта зарар етказаётган корхоналар ҳам ҳали кўп.

Планни бажармаслик каби шармандали ҳолатга хотима бериш керак. Давлат плани қонун бўлиб, уни бажариш ҳамма учун мажбурий эканлигини эсда тутиш зарур.

Биз саноатнинг барча ходимларига мурожаат қилиб, бу йил планнинг ҳарбир корхона, ҳарбир цех ва участка томонидан белгиланган номенклатура ва ассортимент бўйича бажарилишиқ та'минлашга, бирқанча корхоналарнинг ишидаги плансизликни қат'ий йўқотишга, маҳсулотнинг бир текис ишлаб чиқарилмаслигига йўл қўймасликка чақирамиз. Саноатнинг кўпгина тармоқларида ва, биринчи галда, машинасозлик саноатида маҳсулотнинг қарийб ярми ойнинг учинчи декадасида ишлаб чиқарилмоқда. Ишдаги штурмчилик мавжуд ишлабчиқариш қувватларидан тўғри фойдаланиш имконини бермаётир, ойнинг бошида машина-ускуналарнинг иш билан тўла та'минланмаслигига ва ойнинг охирида сверхурочний ишларига, шунингдек ишлаб чиқариладиган буюмлар сифатининг пасайиб кетишига олиб боради: ишдаги штурмчилик ишлабчиқаришимизни издан чиқаради ва айниқса бошқа корхоналар билан кооперация асосида ишлаётган фабрика ва заводларнинг ишига ёмон та'сир кўрсатади.

Биз, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг анча резервлари ишлабчиқаришни пухта уюштириш ва маҳсулотни бир ме'ёрда ишлаб чиқаришдан эканлигини эсда тутиб, саноат ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини ана шу тадбирларнинг амалга оширилишига эришишга чақирамиз.

Азиз ўртоқлар!

Ватанимизнинг қудрати ва совет халқининг фаровонлиги саноатни ривожлантириш муваффақиятларига ва, даставвал, саноатнинг негизи бўлган оғир индустрияни ривожлантиришдаги муваффақиятларга боғлиқдир. Шундай экан, социалистик саноатни янада юксалтиришни ва Ватанимизни гуллаб-яшнатишни та'минлаш учун кучларимизни аямаймиз.

Биз, маҳсулот ишлаб чиқаришни тез сур'атлар билан кўпайтириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун, техникани тараққий этдириш ва меҳнат унумдорлигини янада ошириш йўлидан тинмай олга бориш учун зарур бўлган ҳамма имкониятларга эгамиз.

Биз, саноат ходимлари Бутуниттифоқ кенгашининг қатнашчилари, саноат корхоналарининг барча ишчилари, инженерлари , техниклари ва хизматчиларини бешинчи бешйиллик топшириқларини ва 1955 йил давлат планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юборишга чақирамиз.

Саноатда кейинда қолаётган битта ҳам тормоқ, кейинда қолаётган битта ҳам корхона бўлмаслигига эришайлик; энг яхши коллективлар, ишлабчиқариш илғорлари ва новаторларининг иш тажрибаларини барча корхоналарга ёйайлик.

Янги машиналар, буюмлар, материалларни ва уларни ишлаб чиқаришдаги илғор методларни тезроқ вужудга келтирайлик ва халқ хўжалигига жорий қилайлик.

Меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун, техникадан яхшироқ фойдаланиш учун, машина-асбобларнинг ҳарбир единицасидан ва ишлабчиқариш майдонларининг ҳар квадрат метридан олинадиган маҳсулотни кўпайтириш учун сабот билан кураш олиб борайлик.

Ишлабчиқаришга раҳбарликни юксак даражага кўтарайлик, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг қизитиб юборайлик, саноатимизни янада зўр бериб ривожлантириш йўлида ишдаги камчиликларни йўқотиш учун тинмай кураш олиб борайлик.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашган саноат ходимлари ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажарадилар ва социалистик Ватанинг қудратини янада мустаҳкамлаш ва халқимизнинг фаровонлигини оширишдан иборат умумий ишимизга муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Бунга шақ-шубҳа йўқ.

Коммунизм қурилишида янги муваффақиятлар сари, олга!

БУ МУРОЖААТ САНОАТ ХОДИМЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН 1955 ЙИЛ 18 МАЙДА БИР ОҒИЗДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Министрлар Совети Албания Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1955 йил 14 майда имзоланган Шартномани СССР Олий Совети Президиумига ратификация қилиш учун тақдим этди.

СССР Олий Совети Президиуми ратификация қилиш масаласи яқинда кўрилиши муносабати билан мазкур Шартномани СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг ва Миллатлар Советининг Ташқи ишлар комиссияларига муҳокама қилиш учун топширди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЕЗУЧИ М. А. ШОЛОХОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Бадиий адабиёт соҳасидаги жуда катта хизматлари учун, туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан ёзучи Михаил Александрович Шолохов Ленин ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1955 йил, 23 май.

Шаҳар маданият уйининг фаолияти яхшилансин

Мабодо йўлингиз тушиб, Янгийўл шаҳар Маданият уйига кириб қолсангиз, у ердаги манзарани кўриб ҳайрон бўласиз. Деворлари анчадан буён оқланмаган, дераза ойналари синиб тушган 14 квадрат метрли тор бир хонани кўздан кечириб «Ноҳотки шу ер Маданият уйи бўлса?» дейсиз. Бино ичида тартиб, иш маданияти йўқ: газета-журналар, китоб ва брошюралар тартибсиз равишда шкафга тиқиб ташланган, гардишига қараганда ҳали янги, бироқ тешилиб кетган чилдирмалар, олтита янги гитара, 8 та балалайка, 4 та мандалина ва бошқа музика асбоблари ҳарер-ҳаррда чанг босиб, занглаб ётипти. Ўнлаб стол-стуллар қаровсизликдан синиб, фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган.

Маданият уйида олиб борилаётган ишлар ҳам шаҳар меҳнаткашларининг кундан-кунга ўсиб бораётган маданий талабларига мутлақо жавоб бермайди. Бу ерда ҳаваскорлик тўгаракларининг машғулотлари мунтазам равишда давом этмайди. Драма тўгарагида «Декорация ва парик йўқ», вокаль тўгарагида эса «Чолғу асбоблари етишмайди, борлари эски, чалишга ярамайди» деган асоссиз баҳоналар блан машғулотлар тўхтатиб қўйилган. Ҳолбуки Маданият уйида фойдаланиш мумкин бўлган 27 та ҳархил чолғу асбоблари бекорга чанг босиб ётипти. Бичиш-тикиш тўгарагида ҳам аҳвол қониқарли эмас, машғулотларга тўгарак а'золарининг ярми ҳам қатнашмаётир. Балет, хор тўгаракларига шаҳардаги ишчи-ёшлар ва мактаб ўқучилари жалб қилинмаган.

Маданият уйи ишидаги энг катта камчиликдан яна бири шуки, бу ерда шу пайтгача ўзбек музика ва хор тўгараги ташкил қилинмаган. Аммо шаҳарда ўзбек музика инструментлари чалишни ўрганиш ва хор тўгарагида қатнашишни хоҳловчи ёшлар истаганча топилади. Янгийўл шаҳар автобазасининг шофери Ҳ. Худойбердиев ва бошқа ҳаваскор йигит-қизлар музика тўгарагига киришни истаб келганларида Маданият уйининг директори ўртоқ Прусаков «Ўзбек тилида машғулот олиб бориш учун раҳбар йўқ» деб уларни қайтариб юборган. Маданият уйининг ёнгинасида область музикали драма театрининг етук ижодий коллективи бўлатуриб, ўртоқ Прусаковнинг «раҳбар йўқ» деб баҳона қилиши кишини ажаблантиради.

Бундан ташқари Маданият уйида меҳнаткашлар учун ҳархил темаларда илмий-оммабоп лекциялар, адабий ва техника конференциялари камдан-кам ўтказилади. Шаҳар корхоналари ва айрим новатор ишчиларнинг илғор иш тажрибалари кенг оммалаштирилмаётир.

Маданият уйининг бундай ёмон ишлашига директор ўртоқ Прусаковнинг ўз вазифасига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараши, ишни ўзи бўларчиликка ташлаб қўйганлиги сабаб бўлмоқда. Янгийўл шаҳар ижроия комитети ва унинг Маданият бўлими раҳбарлари Маданият уйи фаолиятида рўй берган камчиликларни тезда тугатиш чораларини кўришлари ва шаҳар аҳолисига намунали маданий хизмат кўрсатиш ишини ҳозирги вазифалар даражасига кўтаришлари керак.

А. АБДУАЗИМОВ.

Ўқучилар ташаббуси

Болалар ферма мудири Одиловни колхоз идораси олдида учратишди.

— Биз сизга учрашмоқчи бўлиб келаётган эдик, — дейишди болалар, саломлашгандан сўнг унга.

— Хўш, хизмат? — сўради ферма мудири.

— Ҳалиги, — тортиниброқ гап бошлади Меҳри Комилова, — биз ҳам колхоз сигирларини парвариш қилишга ёрдамлашсак деб маслаҳатлашган эдик.

— Масалан, қандай қилиб ёрдамлашамиз демоқчисизлар? — яхши тушунаолмай сўради Одилов.

— Фермадаги сигирлардан 5—10 тасини парвариш қилишни бизнинг ихтиёримизга топширсангиз, деб илтимос қилгани келдик, — гапга аралашди ўқучилардан бири Раҳима Маҳамадова.

— Удда қилаоласизларми? — мулойимгина кулиб сўради, ферма мудири.

— Бўлмасачи, — жавоб берди Сайфи Камолов. Раис блан директоримиз ҳам гаплашишган эканлар, Мирзаакамлар мактабимизга 2 гектар ер бермоқчи бўлибдилар. Биз унга маккажўхори экмоқчи бўлдик. Маккажўхоридан сигирлар учун силос тайёрлаймиз. Ана ундан кейин сигирларни семиртириб, серсут қилиб юборишни бизга қўяберасиз.

...Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Қорасув районидаги Ворошилов номли колхоз правлениеси шу колхоздаги 4-нчи ўрта мактаб ўқучиларининг талабини қондирди ва уларга фермадаги сигирлардан 15 тасини боқиб парвариш қилиш учун топширди. Ана шу кундан э'тиборан мактабнинг 7, 8 ва 9-нчи синф ўқучиларидан М. Нурматова, Р. Маҳаматова, М. Комилова, С. Камолов ва бошқалар сигирларни қўлда боқиб, яхши парвариш қилабошладилар. Ҳозир мактаб ўқучилари боқаётган сигирлар кун сайин семириб, сутини ҳам тобора ортдирмоқда.

Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Мирзо Исмоилов) мактаб ўқучиларига маккажўхори экиш учун 2 гектар ер ажратиб берди. Бу ерда ишлаш учун мактабнинг комсомол ва пионер ўқучиларидан иборат махсус бригада ташкил қилинди. Бригадага 9-нчи «А» синф ўқучиси, комсомол а'зоси Анвар Азимов бошлиқ қилиб тайинланди.

Маккажўхори экиладиган ер эрта кўкламда трактор блан ҳайдалиб берилди. Бригада а'золари ҳар куни дарсдан кейинги бўш вақтларда мактаб биология ўқучилари С. Айтубаев, О. Исмоилов ўртоқларнинг раҳбарлигида ерни экишга тайёрладилар, етарли миқдорда маҳаллий ўғит келтириб солдилар ва 2 гектар ерга энг яхши, серҳосил маккажўхори уругларини янги агротехника усулида квадрат-уялаб эклилар.

Бу ишларда бригада а'золаридан Х. Зияева, Т. Маҳкамбоев, Ж. Ортиқбоев, С. Ғойпова, О. Қодиров ва бошқа ўқучилар зўр ғайрат кўрсатдилар. Бригада а'золари шу кунларда маккажўхоридан икки марта ҳосил олиш учун унинг парваришини кучайтирмоқдалар.

Ш. ШОДИЕВ.

Маданият хроникаси

Бекобод шаҳридаги Хилково цемент заводи кутубхонасида ҳархил оммавий тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. А. П. Чехов, А. М. Горький, В. В. Маяковскийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб ўтказилган адабий кечаларга завод ишчилари актив қатнашдилар. Кутубхонада китобхонлар фойдаланиши учун энг яхши бадиий асарларнинг тавсия рўйхати осиб қўйилган.

А. Павленко.

* * *

Қорасув район Ўзгариш қишлоқ Совети ҳузуридаги кутубхонанинг китоб фонди изчил равишда бойитилмоқда. Кутубхонага апрель ойида В. И. Ленин, И. В. Сталин асарлари ва бошқа янги чиққан китоблардан иборат 2200 сўмлик адабиёт келтирилди. Шу блан кутубхонанинг китоб фонди 3 ярим минг донага етди. Свердлов номли колхоз бригада дала шийпонларида кутубхона томонидан ташкил қилинган қизил бурчаклар газета ва журналларнинг янги сонлари ҳамда китоблар блан ўз вақтида та'минланмоқда.

Ф. Раҳимов.

* * *

Тошкент Давлат юридик институтида студентларнинг биринчи рус революциясининг эллик йиллигига бағишланган илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди. Студентлар илмий жамиятининг ташаббуси блан ўтказилган бу конференцияда қирққа яқин доклад тингланди.

Конференцияда ўқилган энг яхши докладлардан 9 таси шаҳар кўригита юборилди.

М. Қаюмов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Завод нега бекор туриб қолмоқда"?

Тошкентдаги «Стройдеталь» заводи 1954 йилни муваффақиятли якунлаб, маҳсулот турларини кўпайтиришда ҳам яхши кўрсаткичларга эришди. Завод коллективи 1955 йилда, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ўрнига давлат планини ойма-ой бажармай келди. Газетанинг шу йил 27 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида чиққан материалда хомаш'ё етказиб берилмагани натижасида механизмлар ва ишчилар бекор туриб қолгани фактларда кўрсатилган эди.

Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрининг ўринбосари ўртоқ Муньконинг редакцияга хабар қилишича, заводда ҳақиқатан газетада кўрсатилган аҳвол содир бўлган. Главлесосбитнинг Иркутск область конторасидан шу йилнинг биринчи кварталида заводни ёғоч блан мутлақо та'минламаган, шунингдек Свердловскдан 16 вагон ўрнига, қурилишга яроқсиз 10 вагон ёғоч олинган. Бу эса заводнинг бирнеча ой бекор туриб қолишига сабаб бўлган.

Министрлик завод

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, ғўза парвариши қизғин тус олган ҳозирги кунларда белгиланган нормани ошириб бажариш учун курашингиз!

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

Ғўзани суғоришда илғор методларни кенг жорий қилайлик

Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, илмий-текшириш муассасалари ходимлари ва пахтачилик илғорларининг республика кенгашидан

Чигит тор қаторлаб ва квадрат-уялаб экилган далаларда ғўзани суғориш режими ва суғоришни ташкил қилиш масалалари юзасидан Тошкентда республика кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Ўзбекистон илмий-текшириш муассасаларининг вакиллари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, илғор колхозларнинг раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг тажрибали сувчилари қатнашдилар.

Кенгашни қисқача кириш нутқи сўзлаб Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Ўртоқ М. В. Муҳаммаджонов очди.

Янги агротехника шароитида суғориш режими ва суғоришни уюштириш иши тўғрисида республика қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Ўртоқ В. Е. Еременко доклад қилди. У ғўзани вегитациянинг айрим даврларида табиий шароитни ва суғориш манба'ларининг хусусиятларини назарга олиб қат'ий табақалаштирилган ҳолда суғориш масаласига катта э'тибор берди.

Илмий ташкилотларнинг ма'лумотлари ва кўпгина илғор колхозларнинг практикаси шу нарсани исботладики, деди докладчи, ғўзани вегетация даврида унинг бўйига унчалик ўсиб кетмаслигини ва серилдиз бўлиб ривожланишини та'минлайдиган, нормал равишда озиқланиб туришига ва ҳосил органларини сақлашига ёрдам берадиган шароитда тарбиялаш керак. Бунинг учун ғўза гуллагунча суғоришни оз норма блан сувга чинакам эҳтиёж бўлган даврда ўтказиш лозим. Докладчи тупроқнинг намлигига ва ғўзаларнинг ривожланиш ҳолатига қараб суғориш муддатларини белгилаш методларини кўрсатиб берди.

Гуллаш-ҳосил тугиш даврида суғориш шундай ўтказилиши керакки, ғўзаларнинг чанқатилишига, барглари сўлиб ва қорамтил-кўк тус олишига йўл қўйилмасин. Ғўзаларнинг нормал ривожланишини ва гуллари бош поя учига аста-секин «ўтишини» та'миндаш зарур.

Сув режими му'тадил бўлиши ва шундай амалга оширилиши керакки, кўсакларнинг ўз вақтида тутилиши ва очилиши та'минлансин.

Ўртоқ Еременко ўз докладида тор қаторлаб ва квадрат-уялаб экилган ерларда суғоришни тўғри уюштиришга катта э'тибор берди. У яқлитлаштирилган участкаларда тажрибали сувчилар группасининг ишлаши афзаллигини конкрет мисоллар блан кўрсатиб берди. Суғоришни уюштиришдаги янги усул қатор ораларини икки томонлама ишлашда механизмлардан тўла фойдаланиш ва сувни сарфлашни кескин суратда камайтириш имкониятини беради.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, колхоз ишлабчиқаришининг илғорлари қатнашдилар. Кенгашда Ўзбекистон КП МК секретари Ўртоқ С. Камолов ҳам сўзлади.

Ғўзани суғориш юзасидан Ўзбекистон ССР колхозчиларига совхоз ва МТС ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қаратилган тавсияномалар қабул қилинди.

Музокарада сўзга чиққан ба'зи ўртоқларнинг нутқлари қисқартилган стенограмма бўйича босилади.

Юқоричирчиқ районидаги 1-нчи МТС-нинг механизаторлари ғўза қатор ораларини ишлашни кучайтириб юбордилар. Суратда: «Ленинизм» колхози далаларида ғўза қатор оралари культивация қилинмоқда. Биринчи планда (чапдан ўнгга). Юқоричирчиқ район партия комитетининг 1-нчи МТС зонаси бўйича секретари Ўртоқ **Аширбоева**, МТС бош агрономи **Терешченко**, колхоз партия ташкилотининг секретари **Мавлонов** ўртоқлар культивация сифатини текширмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆

Ғўзани чуқур эгат олиб, жилдиратиб суғорайлик

Ҳ. ТУРСУНҚУЛОВ

Тошкент область, Октябрь районидаги Каганович номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Бу йил кўкламда об-ҳаво шароити ноқулай бўлди. Колхозимизнинг а'золари дала ишларида юз берган қолоқликни бирмунча тугатаолдилар. Броқ, ғўзанинг ривожланишидаги кечикишни тўла равишда тугатиш учун биз ғўза қатор ораларини ишлашни тезлаштираётирмиз. Айниқса торқаторлаб ва квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзаларни суғориш режимига алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Биз бу йилги мавсумда суғориш режимини планлаштирганимизда, тупроқдаги мавжуд намни, далаларни чигит экиш олдидан ишлаш сифатини ва муддатларини назарга олмоқдамиз. Ҳамма майдонларда ғўзани чуқур эгат орқали жилдиратиб суғорамиз. Шундай қилганда ғўзаларнинг илдизи яхши ривожланади. Биз шоналашгача суғоришни бирмунча кечиктирсак ҳам, гуллаш ва ҳосил тугиш даврида суғориш сонини кўпайтирамиз, лекин тупроқнинг ортиқча намланишига йўл қўймаймиз, албатта.

Август ва сентябрь ойларидаги суғоришлар ҳосил тўплаш учун катта аҳамиятга эгадир. Бу ойлардаги суғоришлар табақалаштирилиб, ғўзаларнинг ривожланишига ва тупроқ шароитига қараб ўтказилиши лозим. Жумладан, тупроқнинг нами узоқроқ сақланадиган унумдор участкаларда бутун вегетация даврида 1 — 2 марта камроқ суғориш мумкин. Шу муносабат блан тупроққа қўшимча равишда маҳаллий ўғитлар солиш йўли блан унумдорлиги камроқ бўлган далаларнинг сифатини яхшилаш керак. Тажриба шу нарсани кўрсатдики, бундай қилганда пахта ҳосилини ошириш ва сувни анча тежаш мумкин.

Шунингдек сувни тежаш имкониятини берадиган бошқа резервларни ҳам қидириб топиш зарур. Мавжуд тартиб қўлланилиб келаётган ҳозирги вақтда сув хўжалиги системасининг ходимлари ўз вазифалари колхозга берилган сувни ҳисобга олишдан иборат лебгина билиб, бу сувдан хўжалик ичида унумли фойдаланиш устидан контроль қилиб турмайдилар. Ҳолбуки, ана шундай контрольни амалга ошириш ва шу блан колхозлараро ҳамда колхоз суғориш тармоқларида сувнинг кўплаб исроф бўлишининг олдини олиш керак.

Ҳарбир далада—алоҳида суғориш режими қўлланилсин

Х. РАЗЗОҚОВ

Наманган районидаги Карл Маркс номли колхознинг звено бошлиғи — сувчи

Колхозимизнинг а'золари пахтадан мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар. Колхозчиларимиз бунга барча агротехника тадбирларига тўла риоя қилиш, ғўза қатор ораларини ишлашни суғориш блан тўғри боғлаб олиб бориш йўли блан эришмоқдалар.

Биз пахта ҳосилини оширишга ёрдам берадиган воситалар системасида ғўзанинг турли ривожланиш даврларида суғоришни тўғри уюштиришга катта ўрин бермоқдамиз. Ма'лумки, ғўзани ўз вақтида ва талаб қилинган миқдорда, сув блан та'минлаб турилса, шунингдек қатор ораларини ишлаш энг яхши муддатда ўтказилса, у вақтда мўл ҳосил — гектаридан 50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олинади. Бизнинг звено ана шундай мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Агар ғўза чанқатиб қўйилса ёки тупроқ керагидан ортиқ намланса, демак ҳосилдан ютқазилди. Бинобарин, ғўзани суғориш планларини ва нормаларини сизот сувларнинг даражасига, ерларнинг сатҳига, об-ҳаво ва бошқа шароитларга қараб олдиндан белгилаб қўйиш зарур.

Ғўзанинг дастлабки ривожланиш даврида уни ортиқча суғориш керак эмас. Ёш ғўзаларнинг илдизи ўзи учун намни тупроқдан топиб олаберади. Ғўзаларда ҳосил элементлари пайдо бўлгач, унинг сувга бўлган талабини тўла қондириш керак.

Янги агротехника шароитида суғориш режимига айниқса қаттиқ риоя қилиш, турли далаларни суғориш нормаларини ғўзанинг ривожланиши учун энг яхши шароит яратиб беришни назарда тутиб, белгилаш керак.

Сувчиларнинг ишини пухта уюштирайлик

Н. МАННОНОВ

Тошкент область Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхознинг раиси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

Кўп йиллик практика шуни кўрсатдики, ғўзани юқори сифатли қилиб суғориш кўп жиҳатдан далаларда ишни тўғри ташкил қилишга боғлиқдир.

Кенгаш қатнашчилари чигит тор қаторлаб экилган ва ғўза туплари квадрат-уялаб жойлаштирилган ерларда суғоришни айни бир вақтда катта массивларда ўтказиш, бу ишга энг тажрибали сувчиларни жалб қилиш зарур деб жуда тўғри айтдилар. Мен кенгаш қатнашчиларининг бу фикрига қўшиламан. Суғориш ишларини бу хилда ташкил қилиш трактор культивациясини ўтказиш учун кенг имконият яратиб беради ва ғўзаларнинг бир текис ҳамда яхши ривожланишини та'минлайди.

Ҳамма жойларда ғўзани эгат орқали жилдиратиб суғориш керак. Бунинг учун тешик тахталардан, найлардан, ва бошқа хил воситалардан фойдаланиш зарур. Далаларда сувдан кеча-кундуз фойдаланилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатиш лозим, участкаларни сув босиб кетишига асло йўл қўйиш ярамайди.

Суғориш усуллари ҳақида бирнеча сўз. Бизнинг колхозда биринчи суғоришнинг қанча давом этишига катта аҳамият берилмоқда. Бўз тупроқ ерларда суғориш одатда колхозимизда 10 — 12 соат, ўтлоқ-ботқоқ тупроқли ерларда фақат 6 — 8 соат давом этади.

Янги агротехникага кўчилганлиги муносабати блан, фикримча, ўқариқлар ўртасида эгатлар узунлигини қисқартиш зарур. Бу блан бутун майдонни бир текис намлаш мумкин бўлади ва сув тежалади.

Суғориш—ғўза туплари қалинлигини назарга олиб табақалаштирилган ҳолда ўтказилсин

Б. П. ФИРСОВ

Тожикистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бош агрономи

Ма'лумки, кейинги вақтгача суғориш режимлари тупроқ ва иқлим шароитларини, сизот сувларнинг даражасини ҳисобга олиш асосида ишлаб чиқилар эди, ғўза сортларининг хусусиятларига кам э'тибор берилар эди. Жумладан ғўза туплари қалинлиги назарга олинмас эди.

Шу блан бирга, жуда равшанки, гектарида 50 минг ёки 120 минг туп ғўза бўлганида далани бир хилда суғориш сра мумкин эмас. Шубҳасизки, ҳар икки ихтимолда, ғўзалар тупроқ — иқлим шароити жиҳатидан бир хил зонада бўлганига қарамай, бошқа-бошқа суғориш режимини қўлланиш керак. Кейинги вақтгача мана бу ҳол э'тиборга олинмай келар эди, бу эса ерларни суғориш масалаларида кўп чалкашликларга сабаб бўлар эди.

Буерда ўртоқ Еременко айтган суғориш режимларининг асослари Тожикистондаги кўпчилик колхоз ва совхозларнинг далаларида бирнеча йилдан буён муваффақият блан қўлланиб келинмоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, кўпчилик жойларда бу хил усул яхши натижалар берди. Ғўза туплари қалин бўлган ерларда бундай суғориш режимлари пахтанинг эртароқ етилишига ёрдам кўрсатади ва шу сабабли совуқ тушкунча териб олинадиган пахта кўпроқ бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ғўза ёшлигида нам ортиқча бўлган ерларда ўсганда, унинг ўсиш процесслари ҳосил тугиш процесларига қараганда тезроқ боради. Агар гуллаш даври бошлангунча ғўзалар сув блан нормал та'минлаб турилса, у вақтда ҳосил тугиш тезроқ боради — ҳосил тугиш процесслари ўсиш процесларидан ўтиб кетади. Ғўза гуллагунча сувни камроқ бериш керак. Бу даврдаги ҳамма суғоришни эгат оралатиб ўтказиш тавсия қилинади.

Гуллаш вақтида эса ғўзаларни ҳар бир эгатдан суғориш лозим. Қатор оралари 45 сантиметр бўлган далаларда ҳам ғўзани шундай суғориш керак.

Биз Тожикистонда қатор оралари 45 сантиметр бўлган ерларда: ғўза гуллагунча эгат оралатиб, гуллаш даврида ҳар бир эгатга сув қўйиб, ҳосил етилаётган вақтда эгат оралатиб суғоришни тавсия қилмоқдамиз.

Қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларни суғориш масаласида бизда хилма-хил ма'лумотлар ҳосил бўлди. Ба'зи жойларда бундай ғўзаларни эгат оралатиб суғориш яхши натижа берди, ба'зи жойларда эса бундай суғориш ҳосилни камайтирди. Бунда, албатта, ғўза туплари қалинлиги катта роль ўйнайди. Агар гектарида 100 минг туп ва ундан ҳам кўпроқ ғўза бўлса, гуллашгача эгат оралатиб суғориш, агар ғўза туплари 70 мингдан кам бўлса, ҳарбир эгатга сув қўйиб суғориш керак.

Чигитни квадрат-уялаб экиш ва уни суғориш усуллари ҳақида бирнеча сўз. Биз суғоришни жаддлик блан, я'ни сувни муайян участкага бирдан қўйиб, 1 — 2 кунда ўтказиш керак деб жуда тўғри кўрсатма бераётирсиз. Бусиз ғўза қатор ораларини узунасига-кўндалангига ишлашни ўз вақтида ўтказиш мумкин эмас. Шуни айтиб ўтиш керакки, бизда ҳам 25 — 30 гектарлик кўпгина участкалар бор. Бундай участкаларда суғоришни ва тупроқни ишлашни бир трактор блан тез вақт ичида икки томонга ишлаб улгуриш қийин. Катта майдонларда икки трактор ишлаши керак.

Биз Тожикистонда сувчиларнинг иш нормаларини ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш нормаларини қайтадан кўриб чиқдик. Бизнинг фикримизча, суғоручиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни 20 — 25 процент кўпайтириш керак, чунки уларнинг иши жуда э'тибор ва моҳирлик блан ишлашни талаб қилади. Далаларнинг тўғри суғорилиши, айниқса квадрат-уялаб экилган ерларда тўғри суғорилиши учун сувчилар малакали бўлишлари лозим. (ЎзТАГ).

Квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзалар намунали парвариш қилинмоқда

Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозининг коммунист М. Жўрабоев бошлиқ бригада а'золари пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бригадада бу йил 97 гектар пахта майдонининг ҳаммасига 60х45 схемаси блан квадрат-уялаб чигит экилди. Ҳозир ғўзалар кўм-кўк бўлиб, биртекисда ўсмоқда. Бригада а'золари ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, ғўзанинг биринчи парваришини тезроқ тугаллаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Колхоз агрономи ўртоқ Захарченко бригада а'золари блан машғулот ўтказиб, колхозчиларга квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзаларни яганалаш усулларини батафсил ўргатди. Ҳозир бу бригаданинг 60 гектарга яқин ердаги ғўзаси яганаланди. М. Мўминова, М. Каримова, С. Қосимов, О. Каримов, Г. Одилов каби илғорлар кунлик нормани 1,5—2 баробар ошириб бажариб бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Шу бригадага биркитилган илғор универсалчи ўртоқ Колбасев эса, ўзи эккан майдондаги ғўза қатор ораларини культивация қилаётир. Бригада пахтакорлари механизаторлар блан ҳамкорликда ишлаб ғўзанинг биринчи парваришини тез ва сифатли тамомлаш учун курашаётирлар.

Бригадада меҳнат тўғри уюштирилганлиги учун бригаданинг ҳамма 44 а'зоси кунлик нормасини ошириб бажаради.

Далада ишловчилар учун маданий-маиший хизмат ҳам яхши йўлга қўйилган. Дала шийпонида агитколлектив кучи блан тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Дам олиш пайтида колхозчилар газета, журнал, китоб ва ҳоказолар блан та'мин этилади.

Бригада а'золари бирнеча йилдан буён мўл ҳосил олиб, ҳар йил пахта тайёрлаш планини ўз вақтида бажариб келмоқдалар. Бу йил улар ўтган йил қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб, ҳосилни янада ошириш, ҳарбир гектар ердан камида 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини муваффақиятли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

В. ШОДМОНОВ.

Ўсимлик зараркунандаларига қарши курашни кучайтирайлик

Май ойининг об-ҳаво шароити пахта далалари атрофидаги бегона ўтларда яшаб турган ўргимчаккана, шира, трипс ва бошқа зараркунандаларнинг янада тезроқ урчиб тарқалишига имкон бермоқда.

Гулистон, Бекобод, Янгийўл ва бошқа районлардаги айрим колхозларда ҳозирги кунларда бегона ўтлардаги бу зараркунандалар, ҳатто пахта далаларига ҳам ўтаботлади. Зараркунандаларнинг бегона ўтлардан ғўзага ўтишига йўл қўймаслик учун бегона ўтларни химиявий усулда дорилаш керак. Бунда бегона ўтларга 2 процентли альбехтол паста эритмаси ёки 2 процентли минерал мой эмульсияси ёки 0,5 градусли ИСО пуркалади. Дорилашдан кейин бегона ўтлар дарҳол қириб ташланади. Агар бегона ўтларда беда ёки зарпечаклар кўринса, шунингдек бу ерларда тутдарахтлари бўлмаса, уларни йўқотиш учун 4 процентли арсенит натрий эритмаси пуркалади. Одам ва ҳайвонларнинг заҳарланмаслиги учун арсенит натрий блан дориланган жойларда карантин а'лон қилиш керак.

Ипак қурти боқиш тугаллангандан кейин тут дарахтларини 0,5 градусли ИСО эритмаси ёки 2 процентли минерал мой эмульсияси блан дорилаш лозим.

Ғўзада ўргимчаккана, шира ва трипс пайдо бўлса, уни 1,5 процентли альбехтол паста, ёки 2 процентли кир совун эритмаси ёки 0,5 градусли ИСО эритмасининг ҳар литрига 1 граммдан анабазин ёки 0,75 граммдан никотин сульфат қўшиб дорилаш керак.

Зарпечак ва девпечаклар пайдо бўлган бедапояларга, беда ўриб олингандан кейин 4 — 6 процентли арсенит натрий эритмаси пуркалиб, орадан 3 кун ўтгач, бедапояни суғориш лозим.

Калинин, Тошкент ва бошқа районларда сабзавот, қовун-тарвуз экинларида шира ҳамда бошқа зараркунандалар пайдо бўлаётир. Бу экинларга дарҳол совун-анабазин эритмаси пуркалиши зарур.

Кул, рага ва кана тушган токларга шўралар тугалланган кейин олтингугуртли дорилар чанглаш керак.

С. БОНДАРЕНКО,

Область қишлоқ хўжалиги бошқармаси ўсимлик зараркунандаларига қарши кураш бўлимининг бошлиғи.

Ғўза парваришини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун

Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхоз районнинг энг йирик ва юқори ҳосилли колхозидир. Колхознинг ватанпарвар а'золари бу йил 1170 гектар ерга чигитни янги, прогрессив усулда сифатли қилиб экиб, текис ундириб олдилар. Улар хато чиққан ерларга олдиндан тувакчаларда тайёрланиб қўйилган кўчатларни ўтказиб, карталарда ғўзаларни тўлалигини та'миндилар.

Колхоз а'золари барча куч ва имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланган ҳолда ғўзанинг дастлабки парваришига киришдилар. Улар ғўза ишловини механизаторлар блан ҳамкорликда олиб бордилар ва юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Колхознинг азамат пахтакорлари барча участкаларда яганани ёппасига ўтказиб, чопиқ ҳамда культивацияни қизитиб юбордилар. Натижада районда биринчи бўлиб, 1170 гектар ердаги ғўзани чопиқ ва культивациядан сифатли қилиб чиқардилар.

А. Соатов, О. Ҳасанов, Э. Шуманов бошлиқ бригада а'золари ғўзанинг дастлабки параваришини колхозда биринчилар қаторида томомлаб, иккинчи парваришига зўр уюшқоқлик блан киришдилар.

Ўртоқ Т. Назаров бошлиқ бригаданинг Р. Қаюмов, Ғ. Мурҳонов бошлиқ звено а'золари барча куч ва резервлардан тўла ва унумли фойдаланиб, ғўзани иккинчи ишловини ҳам муваффақиятли тугалладилар.

Шунингдек, райондаги Тарас Шевченко номли колхоз а'золари бу йил Ватанимизга ҳарқачонгидан ҳам кўп пахта етказиб бериш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар мавжуд механизациядан тўла ва унумли фойдаланиб, чигитни қисқа вақт ичида экиб текис ундириб олдилар. Ҳозир улар барча куч ва имкониятларни ғўза парваришига қаратиб, ягана, чопиқ ҳамда культивацияни уюшқоқлик блан олиб бормоқдалар.

Ўртоқ Тилов Маманов бошлиқ бригада а'золари агротехника фани ютуқларига ҳамда илғорлар тажрибасига амал қилиб, 60х45 схемасида экилган ернинг ҳар гектаридан 91 минг туп, 45х45 схемасидаги ерларда 110 минг туп, 60 сантиметр ораликда торайтириб экилган ерларда 95 минг тупдан ғўза қолдирдилар. Уларда қолдирилган ғўзалар соғлом ва бақувват бўлиб ўсмоқда. Ҳозир бригаданинг 50 процентдан ортиқ ердаги ғўзаси биринчи чопиқдан чиқарилди. Чопиқдан олдин ғўза қаторлари сифатли қилиб культивация қилинди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча куч ва имкониятларни ғўзани биринчи чопиғини тез кунда тугаллаб, иккинчи парваришини ҳам бошлаб юборишга қаратмоқдалар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
З. РАҲМОНОВ.

Ғанимат фурсатдан унумсиз фойдаланилмоқда

«Ленин йўли» — Ўртачирчиқ районининг йирик ва юқори ҳосилли колхози. Колхоз бу йил 1.684 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта бериши керак. Бу мажбуриятни бажариш учун мўл ҳосилнинг асосий шарти бўлган ғўза парваришини кучайтириш, колхозда бу тун куч ва моддий техника воситаларини сафарбар этиш зарур.

Афсуски, районда пешқадам ҳисобланган «Ленин йўли» колхозида мўл ҳосил учун кураш жуда суст бормоқда. Мавжуд ишчи кучлари ғўза парваришини ҳартарафлама кучайтириб юборишга тўла сафарбар этилмаган. 1684 гектар ердан энди 700 гектар ердаги чигит униб чиққан. 200 гектар ердаги чигитнинг униб чиқиши ҳавф остида, 750 гектарга яқин майдонда чигит ола чиққан. Лекин қўшимча чигит экиш ҳечкимнинг эсига келмаётир.

Колхоз правлениеси ягана қилиш ва ғўзанинг дастлабки парвариши юзасидан график тузган. Графикка кўра, 15 майда ягана, 20 майда ғўзанинг биринчи парвариши тугалланиши керак. Броқ колхоз правлениеси бу графикни бажариш учун зарур чораларни кўрмаётир. 500 гектар ердаги ғўза машина блан ягана қилиниши мўлжалланган. Бу тадбир тўла амалга оширилганда эди ғўза қатор ораларини икки томонлама ишлаш масаласи ҳал бўларди. Аммо колхозда 25 «универсал» бўлгани ҳолда 3 машина яганада ишламоқда. Шунингдек, қўл блан ягана қилиш ҳам талабга мутлақо жавоб бермайди. Яганада ишлаши лозим бўлган 850 кишидан фақат 360 киши ишламоқда. Шунинг учун ғўзанинг ярмидан кўпи яганасиз, қизил поча бўлиб ўсишдан қолмоқда.

Колхозда (раиси ўртоқ Э. Усмонов) ғўзанинг биринчи парвариши кечиктириб юборилмоқда, иш сур'атини тезлатиш учун амалий тадбирлар белгиламаётир. Бу ҳол ишнинг орқага сурилишига сабаб бўлмоқда. Колхоз ўтган йил 10 майгача 705 гектар ердаги ғўзани культивациядан чиқарган, ғўза яганасини тугаллаган эди. Бу йил эса 161 гектар ердаги ғўза культивация қилинган. Колхозда хизмат қилаётган 4 та трактор бригадасидан 3 таси культивацияга тайёр эмас. Пак Степан бригадасидаги 6 «универсал»дан фақат биттасига культиватор ўрнатилган. Ден Пак Чун, Мальцев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда «универсал»ларнинг ярмисига ҳам культиватор ўрнатилмаган. Колхозда от культиваторлари эса деярлик ишга солинмаган, 291 культиватордан 249 таси бекор занг босиб ётипти.

Ўртачирчиқ районида биргина «Ленин йўли» колхозида эмас балки бошқа кўпгина колхозларда ҳам ғўза парвариши ана шу хилда ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Район партия, совет ташкилотлари ва колхозларнинг раҳбарлари бу йилги кўкламдаги об-ҳаво шароитининг ба'зи ноқулай оқибатларини бартараф қилишга жиддий э'тибор бермаётирлар. Мавжуд ишчи кучлари тўла сафарбар этилмаган. Масалан, Куйбишев номли колхозда колхозчиларнинг учдан бир қисмигина ғўза парваришига қатнашмоқда. 1136 гектар ердаги ғўзадан атиги 20 гектари ягана қилинган, 500 гектарга яқин майдонда чигит ҳалигача текис ундириб олинмаган. Андреев номли, Ильич номли, Маленков номли ва бошқа колхозларда ҳам шундай ҳол юз бераётир. Ўртоқ О. Зокиров раис бўлган Ленин номли колхознинг 4 та бригадаси, шунингдек Димитров участкасидаги ўнлаб гектар ерда чигит униб чиқмаган. Аммо колхоз раҳбарлари чигитни экиб қўйиб, уни ундириб олишга мас'улиятсизлик блан қараб келмоқдалар. Иккинчи МТС зонасидаги колхозларда ҳам чигит униб чиқмаган жойлар бор.

Ҳозир ғўза парваришини оммавий равишда кучайтириб юбориш вақти ўтиб бормоқда. Райондаги ҳарбир колхозда ғўзалар тўла яганадан чиқарилиши ва дарҳол парвариш қилиниши лозим. Лекин, ғўза парваришига етарли э'тибор берилмаётир. М. Горький номли колхозда 17 та «универсал» бўлгани ҳолда шу вақтгача жуда оз ердаги ғўза культивация қилинган. Ворошилов номли колхоздаги 12 та «универсал»га культиватор ўрнатилмаган. МТС директорлари (Пак Сан Ер, Цой Нинук ўртоқлар) механизмларни ремонт қилиб, ғўза парваришини қизитиб юбориш ўрнига ва'да бериш блан ғанимат фурсатни қўлдан бой бермоқдалар.

Яқинда ҳар иккала МТСнинг совети бўлиб ўтди. Советга жуда кўп киши қатнашди. Карл Маркс номли, Каганович номли ва бошқа колхозларда ғўзани машина блан ягана қилиш синаб кўрилди. Колхозларнинг раислари илғорлар тажрибаси асосида ягана қилиб, ғўза парваришини кучайтириб юборамиз деб ва'да бердилар-у, лекин қуриқ ва'дадан нарига ўтмадилар.

Ҳозирги куннинг ҳарбир минути ғанимат, ундан унумли фойдаланиб, ягана, культивация ва ғўза чопиғини кучайтириб юбориш зарур. Ғўза парваришини тез ва сифатли ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмаслиги, балки сўзсиз амалга оширилиши лозим. Район партия комитети, район ижроия комитети, МТСларнинг раҳбарлари колхозларга оператив раҳбарлик қилиб, ғўзанинг дастлабки парваришини белгиланган муддатда тугаллаш чораларини кўришлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ОЧИЛГАН ҚЎРИҚ

Мих. ШОЛОХОВ.

Романдан парча

Бугун — 24 майда отоқли совет ёзучиси М. А. Шолохов туғилганига 50 йил тўлди. Унинг «Тинч Дон» эпопеяси, «Очилган қўриқ» романи совет ва четэл китобхонларининг севимли асарларига айланди.

«Тинч Дон» йирик эпопеясида Донда совет ҳокимиятини тиклаш, қулоқларга қарши кураш темалари акс этдирилган. «Очилган қўриқ» романида коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш учун партия, совет ташкилотлари ҳамда Дон деҳқонларининг олиб борган кураши тасвирланган.

Биз «Очилган қўриқ» романи биринчи китобининг иккинчи бобини қисқартириб босаётирмиз.

Район партия комитетининг секретари, шапкўр, шалвираган одам, стулга ўтириб, Давидовга кўз қирини ташлаб қўйди-да, қовоқлари салқиган кўзларини чимирганича унинг ҳужжатларини ўқийбошлади. Ташқарида, телефон симларида шамол ғувуллар; нўхтаси блан қўра ёғочига боғлаб қўйилган отнинг ягринида бир ҳакка ёнбошини айлантирганича айланиб юрар, ниманидир чўқир эди. Шамол унинг думини қайириб, учириб юборар, лекин у, қариб, ориқлаб кетган, ҳамма нарсадан парвойи палак қирчангига яна қўниб олар, оч-офат кўзлари блан атрофига гердайиб назар ташлар эди. Станица устида пастгина бўлиб булут увадалари кезиб юрарди. Аҳ'ёнда уларнинг оралигидан қуёш нурлари қия бўлиб тушар, худди ёздагидек мовий осмон парчаси ярқираб кетар, шунда деразадан кўриниб турган Доннинг эгилиб оқиб ўтадиган жойи, унинг нар'ёгидаги ўрмон, узоқ уфқдаги кичкина шамол тегирмонли давон қаяжонлантиручи ёқимли туста кирарди.

— Шундай қилиб, касал бўлиб Ростовда қолдим дегин-а? Ҳа майли... Қолган саккиз йигирмабешмингчи[1] уч кун бурун келди. Митинг бўлди. Уларни колхозларнинг вакиллари кутиб олишди. — Секретарь ўйчанлик блан тамшанарди. — Бизда ҳозир вазият ниҳоятда мураккаб. Бутун районда коллективлаштириш проценти — 14,8. Кўпроғи ТОЗ[2] Бадовлат кулак хўжаликлари галла мажбуриятларини ҳали ҳам тўлаб бўлганлари йўқ. Одам жуд-да ҳам керак. Колхозлар қирқ уч ишчи сўраб заявка юборишган эди, тўққизаловингизнигина юборишипти. — Бу одамнинг уқуви қанчалик эканини чамалаётгандек, салқиган қовоқлари орасидан Давидовнинг кўз қорачуғлари алла қандай ўзгача синовчан назар блан узоқ тикилди.

— Шундай қилиб, қимматли ўртоқ, слесарьчан дегин? Жуд-да яхши! Путиловкийда қачондан бери ишлайсан? Ол, чек.

— Ҳарбий хизматдан бўшаб келганимдан бери. Тўққиз йил бўлди. — Давидов папиросга қўл чўзган эди, секретарь унинг панжасидаги билинар-билинмас кўкиш татуировкага кўзи тушиб қолиб, осилган лабининг бир чеккаси блан жилмайиб қўйди.

— Кўрку, ифтихор-да, а? Флотда хизмат қилганмисан?

— Ҳа.

— Лангарчангни кўриб ҳам айтувдим-а...

— Ёш эдим, бир чекаси... довдир ғўраликда нина блан чекиб қўйибман-да... — Давидов ғижиниб енгини пастга тушириб-да ўйлади: «Ола, кераксиз нарсага дарров кўзинг тушақолганини қара-я. Ғалла тайёрлашни бўлса-ку кўздан қочирай дебсан!».

Секретарь индамай турди—турди-да, бирдан, кўпчитган касалчил юзидан бема'ни мулоҳаматни ҳайдади:

— Сен, ўртоқ, шу бугунок райкомнинг вакили сифатида, ялписига коллективлаштириш ўтказиш учун жўнайсан. Ўлка комитетининг охирги директивасини ўқигансан-а? Танишсан-а? Гап шу, сен Гремячий қишлоқ советига жўнайсан. Даминги кейин оларсан, ҳозир вақт зиқ. Бутун э'тиборни юз процент коллективлаштиришга қаратасан. У ерда кичкинагина артель бор, биз эса гигант колхозлар барпо қилишимиз керак. Агитколонна ташкил қилишимиз блаток сизларга ҳам юборамиз. Ҳозирча боратур, кулакларни эҳтиёт бўлиб сиқиш йўли блан колхоз туз. Ҳамма камбағал-у ўрта ҳол хўжаликларни колхозга тортишиш керак. Шундан кейин, колхознинг 1930 йилда бутун майдонга экиши учун умумлашган уруғ фондини ҳам барпо қиларсизлар. Эҳтиёт бўлиб иш кўр. Ўртаҳолга тақилакўрма! Гремячийда — уч коммунистдан иборат партячейка бор. Ячейка секретари блан қишлоқ советининг раиси — яхши йигитлар, қизил партизан бўлганлардан,— яна лаби блан тамшаниб, қўшиб қўйди:— Шунга қараб азмойиш олавер. Тушундингми? Сиёсий саводлари чала, хато қилиб қўйишлари ҳам мумкин. Бордию, бир мушкул иш чиқиб қоладиган бўлса, районга тушиб келавер. Эҳ, ҳалигача телефон ўтказилмаган, шуниси ёмон-да! Ҳа, бир гап: ячейкасининг секретари Қизил Байроқ орденли, ўт-олов, жуда ҳам тезоб... тезоб бўлганда ҳам чўрткесар. — Секретарь портфелининг қулфини бармоқлари блан чертди. Давидовнинг турaётганини кўриб, наридан-бери гапирди:

— Шошма, яна бир гап: Отлиқ чопар блан сводка юбориб тур, у ерда йигитларни ишлат. Ҳозир ташкилот бўлимимизнинг мудрига учрашиб кеттин. Мен айтиб қўяман, сени райижрокомнинг отларида олиб бориб қўйишади. Гап шу, коллективлаштириш юз процентга чиққунча шиғиллатиб ҳайдайсан. Ишингга ҳам процентга қараб баҳо берамиз. Ўнсаккиз қишлоқ советидан иборат гигант колхоз барпо қиламиз. Ҳазилакам эмас-а? Қишлоқ хўжалик Краснопутиловский, — деб ўхшатиши ўзига ҳам ёқиб қолиб, жилмайиб қўйди.

— Сен ҳали менга, кулаклар масаласида эҳтиёткор бўлиш керак дея ётувдинг. Буни нима деб тушунсам бўлади? — сўради Давидов.

— Шундай деб тушун, — секретарь ҳамият қилгандек жилмайди, — ғалла топшириш мажбуриятини бажарган кулак бор, бажаришган бўйин товлаётган кулак ҳам бор. Иккинчи кулак блан бўладиган муомала равшан: бир юз еттинчи моддани қўйсану — иш тамом. Лекин биринчиси блан бўладиган муомала мушкулроқ. Қани, чунончи ўзинг уни нима қилардинг?

Давидов ўйлаб кўрди...

— Мен унга янги мажбурият юклардим.

— Э ҳа! Йўқ, ўртоқ, бундай қилиш ярамайди. Бунақада бутун тадбирларимизнинг э'тибори тушиб кетади. Унда ўртаҳол нима дейди? «Ана, совет ҳукумати шунақа экан. Деҳқонни минг оҳанга солянти» дейди. Ленин бизга, деҳқонларнинг кайфиятларини жиддий ҳисобга олиш керак, деб та'лим берар эди, сен бўлсанг «иккинчи мажбурият» дейсан. Бу, болалик, ошна.

— Болалик? — Давидовнинг юзига қон қуйилиб кетди. — Бўлмаса, Сталин... янглишган экан-да, сенингча, а?

— Бунга Сталиннинг нима даҳли бор?

— Унинг конференцияда... ҳалиги, оти нима эди... Ер масаласи блан шуғулланадиганлар бор-ку... Ҳаҳ, ерчилар эди шекилли!

— Аграрчиларни айтяпсанми?

— Ҳа-ҳа! Ўша аграрчи марксистлар конференциясидаги нутқини ўқиган эдим...

— Хўш нима эди?

— Ўша нутқ босилган «Правда»ни сўраб олгин.

Ишлар мудири «Правда»ни олиб кириб берди. Давидов диққат блан кўз югуртирабошлади.

Секретарь унинг юзига тикилганича, илжайиб кутиб турарди.

— Ўртоқ Сталин нима дейди? Мана. Бунга нима дейсан?.. «... чеклаш нуқтаи назарида турган чоғимизда... кулакларни тугатиш мумкин эмас эди». Хўш, пастрогини ўқийлик-чи... Ха мана: «Ҳозирчи? Ҳозир бошқа ган. Ҳозир биз кулакларга қарши қат'ий ҳужум олиб бориш, уларнинг синф бўлиб яшашини тугатиш... имкониятига эгамиз». Синф бўлиб яшашини, тушундингми? Нима учун галла юзасидан иккинчи мажбурият бериш мумкин эмас экан? Нима учун тамоман эзиб ташлаш мумкин эмас?

Секретарьнинг юзидаги табассум йўқолиб, жиддий бўлиб қолди.

Пастрогида, кулакларни колхозга киритаётган камбағал—ўртаҳол омма тугатади, дейилган. Шундай эмасми? Ўқи.

— Ғалати экансан-ку!

— «Ғалати»нги кўй! — ғижинди секретарь, унинг ҳатто овози ҳам қаттиқраб кетди. — Сен нима таклиф қилаяпсан ўзи? Ҳарбир кулакка ҳам суриштирмай ма'мурий чора кўравериш керак, дейсан. Атиги ўнтўрт процент коллективлаштирилган, ўрта ҳоли қали эндигина колхозга кираман деб турган районда-я. Бу ишда бирпаснинг ўзидаёқ қулоғинг тагингда қолиши ҳам ҳеч ган эмас. Маҳаллий шароитдан бехабар мана шунақалар келишади-да... — Секретарь ўёгини айтмай, осойишта давом этди. — Шу қарашларинг бўладиган бўлса, бир жаҳон ишкал ортдирий беришинг ҳеч гап эмас.

— Қайдам энди...

— Ҳа хотирингни жам қил! Агар шу чоранинг мавриди бўлса, у зарур бўлса, ўлка комитети бизга тўғридан-тўғри: «Кулак битирилсин!» деб буйруқ берган бўларди. Ана ундан кейин марҳа-мат! Кўз очиб юмишига қолдирмаймиз. Милиция, бутун аппарат хизматимизда... Биз ҳозирча кулакни қисман, галлани яширгани учун бир юз еттинчи модда қўйиб халқ суди йўли блан иқтисодий жиҳатдангина жазолаяпмиз.

— Нима, сенингча батраклар, камбағаллар, ўртаҳоллар кулакларни битиришга қаршими? Кулакларга тарафдорми? Уларни кулакларга қарши олиб бориш керак-ку, ахир?

Секретарь портфелининг қулфини зарда блан шарақлатиб, совуққина гапирди:

— Сен доҳининг ҳарбир сўзига ўзингча ма'но бераяпсан, лекин район учун, райком бюроси, шахсан мен жавобгарман. Биз юборaётган жойда, ўзинг тўқиб чиқарган йўлни эмас, марҳамат қилиб, бизнинг йўлни олиб бор. Менинг эса, кечирасан, сен блан мунозаралашиб ўтиришга вақтим йўқ. Менинг бундан бошқа ҳам ишларим бошимдан ошиб ётипти, — деб ўрнидан турди.

Давидовнинг ёноқларига яна қон қуйилиб келди-ю, лекин ўзини босиб олиб, гапирди:

— Мен партиянинг йўлини олиб бораман, сенга, ишчичасига пўст кадласини айтиб қўяқолай. Сенинг йўлинг хато, сиёсий томондан нотўғри, факт!

— Ўз йўлимга ўзим жавоб бераман... Бу, «ишчичасига» деганинг шундай эски гапки...

Телефон жирингдаб қолди. Секретарь трубкага ёпишди. Хонага одамлар йиғилабошлаган эди, Давидов ташкилот бўлими мудирининг олдига чиқиб кетди.

«Ўнг томонга шох ташлаяпти... Факт! деб ўйларди у, райкомдан чиқаркан. — Ўртоқ Сталиннинг аграрчиларга сўзлаган нутқини яна бир бошдан ўқиб чиқаман. Наҳотки мен янглишаётган бўлсам? Йўқ, ошна, кечирасан! Қулоқни бўш-баёвлик қилиб талтайтириб юборгансан. Округкомдагилар, «ишчан йигит» дейишган эди-ю, қулоқлардан галла мажбурияти ҳали ҳам ундирилмаган экан. Сиқиш бошқа гап, зараркунанда сифатида илдизи блан суғуриб ташлаш эса бошқа гап. Нега оммани олдинга бошламайсан?» —

бахсни хаёлида давом этдириб, секретарьга мурожаат қиларди у. Одатдагидек, энг асосли далиллар кейин келабошлади. У райкомда қизишиб кетиб, ҳовлиққанича оғзига келиб қолган ган блан э'тироз билдираберган экан. Совуққонроқ бўлиши керак экан. У яхлаган жўлмакларни шалоплатиб, муз қотган хўкиз тезакларига қоқина-қоқина бозор майдонида кетмоқда эди.

— Аттанг, дарров тугатиб қўяқолдикда, бўлмаса мен сенинг даминги чиқартирмай қўярдим, — баралла гапириб юборди Давидов ва тўқнаш келиб қолган хотиннинг ёнида кулимсираб ўтиб кетаётганини кўриб, ҳижил бўлганича индамай қолди.

Гремячий Лог блан станицанинг ораси кимсасиз адир устидан ўтган йигирма саккиз километрча катта йўл. Эриган тезак уни қўнғир тусга киритган эди. Атроф кўз илғамас, тахи бузилмаган яхлит қор. Йўлнинг икки ёқасида учларини қор босган тахоҳ ва оқкаррак ғарибона мункайиб турарди. Ер сойларнинг ёнбағирларидангина оламга соғтупроқ кўзларини тикади; шамол учираберіб бу ерларда қор тўхтамаган, аммо сойлар ва жарларнинг ўзанларида эса зич бўлиб чўккан қор уюмлари лабма-лаб.

Давидов, оёқларимни иситаман, деб чананинг тирғагини ушлаганича узоқ югурди, кейин ченага сакраб чиқиб, ғужанак бўлиб олганича мудраб кетди. Қўшқароқнинг қирралари ғирчиллар, от тақаларининг тишлари қорга қуруқ қирсиллаб ботар, шотининг ўнг томонидаги отнинг валеги жирингдаб борар эди. Ба'зан Давидов мойиқ қиров инган қовоқлари орасидан, йўл устидан шахт блан қўтарилган қора яловларнинг қанотлари қуёшда бинафша шу'ладек ярқираб кетишини кўриб қолар, яна ширин мудроқ босиб, кўзларини юмар эди.

У юрагигача жунжитиб юборган совуқнинг заб'тидан уйғониб кетди, кўзини очиб, камалакдек алвонранг товланаётган ёши орасидан тапти йўқ қуёшни, жимжит, бепоён, улуғвор даштни, уфқнинг бир чеккасидаги кулранг-қўрғошин осмонни ва яқин орадаги тепанинг оппоқ чўққисида — оловдек товланаётган қизғиш-сариқ тулкини кўрди. Тулки сичқон овламоқда эди. У тикка турар, қийшанглаганича ирғишлар, кейин олдинги оёқларига ётиб олиб, ярқировчи кумуш тўзонга бурканганича қорни қазир, думи эса бир текисда майин бўлонглаб, қорга қизил аланга тилидек ёстанар эди.

Гремячий Логга кечга яқин етиб келишди. Қишлоқ советининг кенг ҳовлисида қўшот қўшиладиган чена бўш ётарди. Зинапоя олдида тамаки чекканича қазаклардан етти киши тўпланиб турарди. Юнглари тердан яхлаб, ғадир-будур бўлиб кетган отлар зинанинг олдида тўхтади.

— Салом, гражданлар! Бу ернинг отхонаси қаерда?

— Саломат бўл, — ҳамма учун жавоб берди кекса қазак, қўлини қуён тери попғонининг четига олиб бориб. — Отхона, ҳов ана, ўртоқ, ўша қамиш том.

— Ўшаёққа бур, — буюрди Давидов кучерга ва пастак, тўлагина гавдасини ерга олди. Ченадан сакраб тушгач, яноқларини қўлқоплари блан ишқалаганича, ченанинг орқасидан кетди. Қазаклар, «г»ни россиячасига қаттиқ гапираётган, кўриниши хизматчиман деб турган бу меҳмоннинг нима учун қишлоқ советига кирмай, ченанинг орқасидан кетаётганига ҳайрон бўлишиб, улар ҳам отхона томонга йўл олишди.

Отхонанинг эшигидан иссиқ гўнг буғи паға-паға бурқиб чиқар эди. Кучер отларни тўхтатди. Давидов валекни, бамайлихотир, ёнқайиш тугунидан бўшатабошлади. Яқинида тўпланиб турган қазаклар бир-бирларига қараб олишди.

Давидов казакларни папирос блан меҳмон қилди, ўзи ҳам чекиб, қишлоқ советига қараб юрди.

— Ҳа, раис ўша ерда, киравер. Партиямизнинг секретари ҳам ўша ерда, — дерди бобо, Давидовнинг изидан қолмай.

Казаклар, папиросларни икки тортишдаёқ тугатиб, ёнма-ён келишарди. Янги келган одамнинг, одатда районнинг катталаридан бирортаси келадигандагидай: ченадан сакраб тушасолиб, одамларни кўрдим демай, портфелини қўлтиқлаганича қишлоқ советига кириб кетиб қолмасдан, кучерига ёрдам бериб, от блан муомала қилишда эскидан уқувли ва эпчил эканлигини кўрсатиб, отларни ўзи ченадан чиқаргани ёқиб қолди. Лекин бу нарса уларни айни бир вақтда таажжублантирар ҳам эди.

— Нечук отлар блан овора бўлишни эп кўрасан, ўртоқ? Ахир бу хизматчилар қиладиган иш эмас-ку? Кучер бор-ку?— сўрамай туролмади қора соқоллиси.

— Бу нарса бизга жуда ғалати кўринаяпти, — очиғини айтиб қўяқолди бобо.

Давидов жавоб беришга ҳам улгуролмади.

— Ҳе, бу — темирчи экан-ку! — хитоб қилди хавсаласи пир бўлган сариқ мўйловли ёш казакча, Давидовнинг ҳалеб металл ушлайворгандан кафт териси қўрғошинланган қайишга ўхшаб қолган, тирноқлари синиб битиб қолган қўлларини кўрсатиб.

— Слесарь дегин, — унинг гапини тузатди Давидов. — Хўш, сизлар Советга нима учун кетаяпсизлар?

— Қизиқиб турибмиз, — ҳамма учун жавоб берақолди бобо, зинапоянинг пастки босқичида тўхтаб. — Билмоқчимиз, — бизга нима иш важидан келдинг? Бордию, яна ғалла топшириш важидан бўлса...

— Колхоз важидан.

— Бобо ҳафа бўлганча узун ҳуштак чалди-да, зинадан биринчи тушиб кетди.

* * *

Пастак уйда муздан тушган калта қўйтери пўстинлар ва ўтин кулининг ачимсиқ илиқ ҳиди анқиб турарди. Стол олдида, чироқнинг пилигини бураб, Давидовга юзма-юз — кифтлари тўғри, бўйдор одам турарди. Унинг яшил кўйлагида Қизил Байроқ ордени қирмизи бўлиб ярқирарди. Давидов, Гремячий партячейкасининг секретари худди шу киши эканлигини фаҳмлаб олди.

— Мен — райкомнинг вакилиман. Сен — ячейка секретаримисан, ўртоқ?

— Ҳа, мен ячейка секретари Нагульновман. Ўтиринг, ўртоқ, Совет раиси ҳозир келади. — Нагульнов мушти блан деворни дукиллатиб, Давидовнинг олдига келди. У кўкракдор, оёқлари суворийларга хос — маймоқ эди. Қора қатрон қуйиб қўйилгандек, ниҳоятда катта қора чўғли саргиш кўзлари устидаги қанотли қора қошлари туташиб кетган. Ўртачароқ қирғий бурни катакларининг ичими ҳаддан ташқари баҳайбатлиги-ю кўзларининг тиниб, сузилиб кетишини айтмаганда, кўзга ташланиб турмайдиган-у, лекин эсда қоладиган, мардона кўрки бор эди.

Қўшни хонадан бурул эчки тери попғини орқага бостириб кийган, шинель мовут сюртукли ва почаси оқ жун пайпоққа тиқилган, лампас тутилган казакча чолворли пишиқ мағиз бир казак чиқиб келди.

— Қишлоқ советининг раиси Андрей Размётнов шу киши бўлади.

Раис, жилмайганича, жингалак малла мўйловини қўли блан силаб қўйди-да, ўзини сипо тутиб, Давидовга қўл узатди.

— Ўзингиз ким бўласиз? Райком вакилими? Хўп. Ҳужжатларингизни кўрсатинг-чи... Сен кўрувдингми, Макар? Сиз, колхоз масаласида келган бўлсангиз керак? — У ёз осмонидек тиниқ кўзларини пириллаганича Давидовни тортинмай, соддагина кўздан кечирди. Унинг, пешонасидан қия кўкиш чандиқ ўтган, кўпдан бери устара тегмаган қорамағиз юзидан ниманидир сабрсизлик блан кутаётганлиги ошкора сезилиб турарди.

Давидов стол ёнига ўтириб, партия ёнпасига коллективлаштириш соҳасида қўйган вазифалар ҳақида гапириб берди, эртагаёқ камбағаллар блан активларнинг мажлисини ўтказишни таклиф қилди.

Нагульнов, аҳволни тушунтириб, Гремячий ТОЗидан ган очди.

Размётнов, жигарранг қизиллик қоплаган яноқларидан қўлларини олмай ўтирганича, аҳ-ён-аҳ'ёнда дуқма ташлаб қўйиб, унинг гапига ҳам диққат блан қулоқ солди.

— Бизда ерни биргалашиб ишлаш щеркати деган нарса бор. Мен сизга айтсам, ишчи ўртоқ, бу коллективлаштиришга ҳақорат-у, Совет ҳокимиятига кони зиёндан бошқа нарса эмас, — дерди Нагульнов, ҳийлагина қизишиб. — Унга ўнсаккиз хонадон а'зо — ҳаммаси ҳам бориб турган қаштоқ. Оқибати нима денг? Кулги бўлишдан бошқа нарса эмас. Бойўқларини ўртага солишди, ўнсаккиз хонадоннинг ўртасида — тўртта оту бир жуфт хўкиз, Нонхўрлар бўлса бир юз еттита. Ўзларини қандай аплашлари керак? Машина блан улов сотиб олишлари учун уларга узоқ муддатли қарз беришяпти, албатта. Улар қарзни олишаяпти-ю, лекин уни ўша узоқ муддат ичида ҳам тўлашаолмайди. Ҳозир сабабини ҳам айтаман: тракторлари бўлганда — бошқа гап эди, уларга трактор беришмади, хўкиз ишлатиб дарров бойиб кетишинг қийин. Шунисини ҳам айтиб қўйайки, улар нотўғри иш тутишяпти. Менга қолса, уларни аллақачон тарқатиб юборардим, негаки, узала тушиб олганларичa совет ҳокимиятини мечкай бузоқдай эмишга эмишадию, ўсиплларидан дарак йўқ. Уларнинг орасида: «Э, бизга бермай кўйишмайди! Қарзимизга нимамизни олишади?» деб ўйлаётганлар бор. Ана шунинг учун уларда интизом бузилган, ТОЗ бугунмас эртага ўлади. Ҳаммани колхозга йиғиш керак деган фикр жуда тўғри. Унда жуда маза бўларди! Аммо, мен сизга айтсам, казаклар ғирт гўл халқ, уларни машаққат блан йўлга солишга тўғри келади...

— Ҳа, ТОЗнимизнинг иши расво, — та'кидлади Размётнов. — Унинг раиси Аркашка Лосев-чи, ёмон хўжайин. Топиб сайлашган одамларини қара-я! Ростини айтганда, бу ишда ўзимиз хато қилиб қўйдик. Уни бу вазифага йўлатмаслигимиз керак эди... Уларга Яков Лукич Островнов раис бўлса соз бўларди. Жуда мияли одам! Краснодардан — ҳарқандай қурғоқчиликка туриш берадиган янги буғдой оларди, шудгорида муттасил қор тутади, доим яхши ҳосил олади. Молларини ҳам зотдор қилиб олган. Солиқ блан эзиб қолгудек бўлсак — сал-пал инқиллаб қўяди-ю, лекин омилкор хўжайин, мақтов қозоғи бор.

— У бизнинг одамларнинг орасида бамисоли ёввойи ғоздай, эл бўлмай, нуқул овлоқда юради.— Нагульнов гумон блан бош силкиди.

— Йў-ге! У ўзимиздан, — деди Размётнов ишонч блан.

Ваҳоб РУЗИМАТОВ таржимаси.

[1]) Колхоз қурилишининг бошланғич даврида партия қишлоқда ишлаш учун 25 минг энг яхши коммунист ишчиларни юборган эди.

[2]) ТОЗ — товарищество по совместной обработке земли, (ерни биргалашиб ишлаш шеркати).

Индонезия компартиясининг 35 йиллиги

ЖАКАРТА, 22 май. (ТАСС). Индонезия меҳнаткашлари Индонезия компартияси ташкил қилинганига 35 йил тўлганлигини нишонламоқдалар. Жакартада, Семарангда, Жокьякартада, Сурабайяда, Меданда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида шу кунларда бу тарихий кунга бағишланган оммавий митинглар, йиғилишлар, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Индонезияда компартиянинг 35 йиллиги меҳнаткашларнинг энг муҳим манфаатлари учун, мамлакатнинг тўла мустақиллиги учун, Осиёда ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда уларнинг ҳамма кучларини янада бирлаштириш шиори остида нишонланмоқда.

«Хариан ракьят» газетаси компартия ташкил қилинганига 35 йил тўлганлигига бағишланган мақоласида компартиянинг босиб ўтган йўли ҳақида, унинг халқ манфаатлари учун олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлаб бермоқда. Газета Индонезия компартияси МК номига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетидан, Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетидан, шунингдек Ҳиндистон, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг компартияларидан табрикномалар олинганлигини биринчи саҳифасида э'лон қилмоқда.

БПСС МК табрикномасида бундай дейилади:

Индонезия Коммунистик партияси Марказий Комитетига

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети қардош Индонезия Коммунистик партиясини ташкил топганига ўттизбеш йил тўлган кунда қизғин табриклайди ва қутлайди.

Индонезия Коммунистик партияси ўзи ташкил топганидан буён ўтган бутун давр мобайнида жуда кўп қийинчиликларни енгиб, мустамлакачилик қуллигига қарши, ўз мамлакатининг озодлиги ва миллий мустақиллиги учун, ўзининг эркасевар ажойиб халқининг ҳаётий манфаатлари учун фидокорона равишда ва сабот блан курашиб келди ҳамда мамлакатнинг барча ватанпарвар ва демократик кучлари блан биргаликда Индонезиянинг милляй мустақиллигини мардларча ҳимоя қилмоқда, мамлакатнинг бутун территориясини ота қўшишга эришмоқ учун ҳормай-толмай ҳалқачиларнинг кирдикорларига қарши, ва мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бормоқда.

Индонезия Коммунистик партиясига ўз халқининг ҳамма прогрессив кучларини бирлаштириш учун курашда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Яшасин қардош Индонезия Коммунистик партияси!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Австрия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми

ВЕНА, 22 май. (ТАСС). Австрия Коммунистик партиясининг матбуот бўлими билдиради: 20 майда Австрия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Австрия блан давлат шартномаси тузилганлиги муносабати блан партиянинг вазифаларини муҳокама қилди.

Австрия Коммунистик партияси Марказий қомитетининг раиси Иоганн Копленинг бу масала ҳақида доклад қилди. Доклад муҳокама этилганидан кейин резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда қуйидагилар айтилади:

Австрия Коммунистик партияси Марказий комитети Австриянинг бетарафлиги ва мустақиллиги принциплари тўғрисидаги давлат шартномасининг имзоланганлигини табриклайди. 1955 йил 15 майда давлат шартномасининг имзоланганлиги мамлакатимиз учун тарихий жиҳатдан жуда муҳим воқиа бўлди. Мустақил, озод ва демократик Австрия учун олиб борган курашимизнинг этапларидан бири шу блан тугалланди.

Совет Иттифоқининг сиёсати туфайли Австриянинг бетарафлиги ва мустақиллиги принципларида давлат шартномасини имзолаш имконияти туғилди. Америка империалистлари ва герман милитаристларининг планлари натижасида Австриянинг мустақиллиги ва бирлигига таҳдид қилаётган хавф кучайган бир пайтда Совет Иттифоқи Австрияга хавфли аҳволдан қутилиш йўлини кўрсатиб берди ва давлат шартномасини имзолашга ҳалақит бериб турган барча ғовларни йўқотди. Совет Иттифоқи «зўравонлик қилиш» сиёсатига зарба берди. Ана шу сиёсат Австрияни ғарбнинг ҳарбий блокига қўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Совет Иттифоқи ўз ҳаракатлари блан Австриянинг энг яхши дўсти эканлигини исбот қилди.

Резолюцияда яна бундай дейилади: Давлат шартномаси тузилганидан кейин, Австрия учун янги давр бошланади. Австрия ҳалқи олдида янги вазифалар турибди.

Австрия Коммунистик партияси Марказий комитети Австриянинг бетарафлигини ва мустақиллигини та'минлаш ҳамда мустаҳкамлашни биринчи ва энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди ва бу вазифани қуйидагича та'бирлайди:

а) Давлат шартномасининг Австрия парламенти томонидан ва тўрт буюк давлат парламентлари томонидан тезликда ратификация қилинишни Австрия халқининг истаги ва талабидир.

б) Австриянинг бетарафлиги конституция блан мустаҳкамланиши лозим.

в) Москва битимига мувофиқ, Австрия ҳукумати ана шу бетарафликнинг буюк давлатлар томонидан танилишига эришиш учун зўр бериб ҳаракат қилиши керак.

г) Давлат шартномасидаги қоидаларга Австриянинг ҳам, шартномани имзолаган бошқа давлатларнинг ҳам пухта риоя қилишлари ҳаётий муҳим талабдир.

д) Тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик сиёсати Австриянинг бетарафлигини ҳимоя қилиш ва та'минлашнинг энг муҳим заминидир. Шу сабабдан, Австрия халқи Австрия ҳукуматининг келгусида совуқ муносабатлар урушини тўхтатишга ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган бутун чораларни қўллаб-қувватлашини кузатиб туриши керак.

Герман империалистлари, дейилади резолюцияда, Австрияни янада аншлюсс қилишдан иборат босқинчилик планларидан воз кечган эмаслар. Давлат шартномаси туфайли ва Австрия бирлигининг ҳамда чегаралари дахлсизлигининг буюк давлатлар томонидан гарантия қилиниши туфайли, халқимиз миллий онгининг мустаҳкамлиги туфайли (бизнинг халқимиз кураш давомида мустақил Австрия барпо қилишини ёқлаб чиқди), Австрия бетараф мамлакат сифатида эга бўлаётган буюк иқтисодий имкониятлар туфайли, эндиликда Австрия герман милитаристларининг ана шундай планларини барбод этаолади. Бунинг учун ҳукумат бетарафлик, мустақиллик ва ҳамжиҳатлик сиёсатини қат'ият блан амалга оширини лозим. Австрия Коммунистик партияси Марказий комитети ўз резолюциясида шартноманинг иқтисодий аҳамиятини характерлаб, қуйидагиларни айтади: Давлат шартномаси мамлакатимизга иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш имконини беради. Совет Иттифоқи давлат шартномаси тўғрисида музокаралар олиб борилган вақтда, немисларнинг собиқ мулклари Австрия ихтиёрида қолдирилсин ва нефть ажнабийлар қўлига тушмасин, деб талаб қилди. Бу блан Австриянинг бошқаларга қарам бўлмай, мустақил бўлиши учун иқтисодий база вужудга келтирилди. Бу иқтисодий база илгариги вақтларда бўлганидан ва бошқа кўпгина кичик давлатлар эга бўлганидан ҳам қудратлироқ базадир.

Австриянинг иқтисодий мустақиллиги унинг сиёсий мустақиллиги учун ҳал қилучи фактордир. Ана шу иқтисодий мустақилликни бутун куч блан ҳимоя қилиш керак. Австрия корхоналарини четэл концернлари ва монополиялари ихтиёрига, ажнабий капитал ихтиёрига топшириш йўлидаги ҳарқандай уринишларга барҳам бериш керак.

Давлат шартномасида та'кидлаб айтилишича, Австрия ўзининг савдо-сотиқ ишларида ҳеҳқандай камситишга йўл қўймаслиги лозим.

Резолюциянинг охирида бундай дейилади: Марказий комитет шуни та'кидлаб айтадики, давлат шартномасининг ва Австрия бетарафлигининг аҳамиятини ва мамлакатимиз эндиликда қандай истиқболларга эга эканлигини меҳнаткашларга тушунтириб бериш эндиликда айниқса муҳимдир. Партиямизнинг барча ташкилотлари ва барча а'золари бу ишда қатнашишлари керак.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/V да **Қутлуғ қон**, 25/V да **Юрак сирлари**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—24/V да **Концерт**. Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

А. Ф. Охундов номли Ленин орденли Озарбайжон давлат опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, профессор Булбул Мамедов гастрольлари—25,27, 29/V да **Кўр ўғли**. 5 пардали опера. Спектакль кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА (ёзги театр) — 24/V да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Юнус Ражабий** иштироки блан **концерт**. Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист блан **Назира Юсупова, Ҳожихон Болтаев** ва Ўзбек давлат эстрадасининг солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

«ИСКРА» (қишки) — кеч соат 9 гача янги бадиий фильм **Ташвишли ёшлик**.

«ИСКРА» (ёзги) — **Ташвишли ёшлик**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

(Навоий кўчаси, 69-нчи уй)

24 ва 25 майда

ХОРАЗМ ХАЛҚ АШУЛА ВА РАҚС КЕЧАЛАРИ.

Концертда: Хоразм область театрининг солистлари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Назира Юсупова, Ҳожихон Болтаев** ва Ўзбек давлат эстрадасининг солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор—36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими —132. Хатлар бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими—38142

Р. 00798. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1440.